



MILLIY TIKLANISH

16 (448)

2017 йил 19 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Хусусийлаштирилган давлат мулки негизда хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини сифат жиҳатдан ўзгартиришни таъминлаш, тадбиркорлик субъектларини хусусийлаштирилгандан кейин амалий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, давлат мулкidan фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақо-

батни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилсин.

2. Хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш ва самарадорлигини оширишни ҳар томонлама кенг қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳоли даромадларининг барқарор ўсишини таъминлайдиган янги иш ўринларини яратиш, ушбу мақсадларда ваколатли давлат органлари, молия ҳамда бошқа бозор тузилмаларининг Савдо-саноат палатаси ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан мустаҳкам ҳамкорликдаги фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирил-

ган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг янги мазмунли ва мазмунли деб ҳисоблансин.

3. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилаб:

тармоқлар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштириш шакллари бўйича муттасил янгиланиб турувчи маълумотлар базасини ҳамда хусусийлаштирилган объектлар реестрини, шунингдек, давлат активлари реестрини шакллантириш;

→ 2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

АЛИШЕР НАВОЙЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҲУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи мустақиллик йилларида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан тобора чирой очиб бормоқда.

Қайд этиш лозимки, 1991 йили Миллий боғ ҳудудида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг муаззам хайкали барпо этилиб, ўтган давр мобайнида улуғ аждодимиз тараннум этган юксак гуманистик ғояларга ҳамоҳанг равишда, аниқ меъморий режа асосида кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ушбу ҳудудда 2007 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор, 2010 йили Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек, 2013 йили Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотираларига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари ўрнатилди.

Миллий боғни халқимиз, авваламбор, ёшларимизнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга хизмат қиладиган, нафақат юртимиз, балки жаҳоннинг турли мамлакатларидан меҳмонлар ва сайёҳлар ташриф буюрадиган ҳар томонлама гўзал ва бетакрор масканга айлантириш, мазнавий ҳаётимизда ўчмас из қолдирган атоқли сўз санъаткорларининг тарихий хотирасини абадийлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва кенг жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

→ 2

Фракция ҳаёти



ФАОЛИЯТ — САМАРАДОРЛИК, АМАЛИЙ НАТИЖА БИЛАН МУҲИМ

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракциянинг 2017 йилга мўлжалланган фаолияти асосий йўналишларида белгилаб берилган вазифаларнинг биринчи чоракдаги ижроси, фракция аъзоларининг шу йил 1-10 апрель кунлари жойларда аҳоли учрашувлари, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатни йрганиш ишларининг дастлабки натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди. Мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар, янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилаётган бугунги кунда парламент аъзолари зиммасига катта масъулият ва залворли вазифалар юкланмоқда. Бу парламентнинг ҳар бир аъзосидан шахсий жавобгарлик, ташкилотчилик ва ўз фаолиятига нисбатан талабчанликни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбарининг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳамда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида парламент палаталари фаолиятига берилган танқидий баҳо, қонуни ижодкорлиги, назорат-таҳлил ва сайловчилар билан ишлаш борасида илгари сурилган ғоялар асосида парламентнинг иш режаси ишлаб чиқилган эди. Жумладан, ЎзМТДП фракциясининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасида фаолиятни тубдан кучайтириш, партия дастурий мақсад-вазифалари ижроси ҳамда электротар монфаатларини химоя қилишга қаратилган янги қонуни лойиҳаларини ишлаб чиқиш, қўмита ва парламент эшитивуви, назорат-таҳлил тадбирларини амалга ошириш вазифалари белгиланган.

Фракция раҳбари жорий йилнинг биринчи чоракда амалга оширган ишлар ижросига тўхталар экан, фракция аъзоларининг ҳисобот давридаги фаолиятини танқидий таҳлил қилди.

→ 3

Миллий гуруҳ

ЯНГИ АВЛОД ОЛИМЛАРИ



Юртимизда кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизimini такомиллаштириш, ёшларнинг илмий салоҳиятини юксалтириш, тафаккури ва дунёқарашини бойитиш, ёш олимларнинг инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш борасида самарали ишлар олиб боришмоқда. Шу мақсадда жорий йўлу ишдан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети қошида янги таркибдаги "Ёш олимлар кенгаши" ташкил этилди.

→ 5

Таҳлил

ҲАР БИР МУРОЖААТ — ЭЪТИБОР ВА НАЗОРАТДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таклифи билан 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди. Халқни эшитиш, аҳолининг талаб ва истакларини рўйбега чиқариш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу мақсадда 2016 йил 28 декабрда давлатимиз раҳбарининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизimini тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Бу фармонда таъкидланганидек, юртимизда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизimini жорий этиш, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалда қарор топтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девонида ҳам Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари бўйича сектор ташкил этилди, ҳудудий партия ташкилотларида худди шу йўналишда ишловчи ходимлар фаолияти йўлга қўйилди.

→ 4

Ташаббус натижа берди

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг асосийси, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Вояга етмаганлар манфаатларини химоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилгани самарали ижтимоий химоя тизimini жорий этиш ҳамда ёшларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашда муҳим омили бўлаётир.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАҚДИРИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ЎЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОЙЙ
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Айни пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини вояга етмаганлар ташкил этади. Ушбу кўрсаткичнинг ўзиёқ бу борадаги ишлар нечоғли долзарб аҳамиятта эга эканидан дарак беради. Бу жараёнда, энг аввало, ота-она, маҳалла-қўй, татлим муассасалари, умуман, кенг жамоатчилик зиммасига улкан масъулият юкланади. Шу боис халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ҳам айни шу масалага алоҳида эътибор қаратиб, доимий комиссия йиғилишлари, сессияларда вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоқда.

→ 4

Ушбу сонда:



БАНК — ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

→ 6-бет

ТЕННИС МУЗЕЙИ

ЁХУД "РОЛАН ГАРРОС
ГАЛЕРЕЯСИ"ГА САЁҲАТ



→ 7-бет



МАЗМУНАИ ҲОРДИҚ УЧУН ЯНГИ ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

→ 8-бет



"MILLIY
TIKLANISH"

— мамлакатимиз миллий
тикланишига хизмат қилади!
Нашр кўрсаткичи — 158



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

хусусийлаштирилган корхоналар фаолияти молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларини солиқ, иқтисодий ва статистика органлари билан биргаликда доимий асосда таҳлил қилиб бориш, бунинг асосида фаолият кўрсатмаётган, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни, бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган объектлар ҳамда ер участкаларини аниқлаш; илгари хусусийлаштирилган корхоналар самарадорлигининг пастига ҳамда ишламаётганлиги сабаблари ва омилларини, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватлари, бўш ётган ва қурилиш тугалланмаган объектларни аниқлаш;

янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш ва модернизациялаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, рухсат берувчи ҳужжатларни оlishда, коммуникацияларга улаштириш ва тижорат банкларидан кредитлар ажратилишида уларга кўмаклашиш мақсадида аниқ хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантиришнинг "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни таъминлаш;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда хусусийлаштирилган объектлар негизда инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган тадбиркорларга бизнес юритиш ва бизнес-режаларни ишлаб чиқиш асослари, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги қонунчилик, менежмент, молиявий бошқарув ва бошқа фанларни касб-ҳунар коллежлари базисда ўтказиладиган курсларда ўқитишни ташкил қилиш, бунда тажриба алмашиш учун республикамизда ишлаётган катта муваффақиятларга эришган тадбиркорлар ва хорижий мутахассисларни жалб этиш;

банкотлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғомлаштириш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва янги инвесторларни жалб этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқаришда иштирок этиш; давлат активларини бошқариш, давлат улушига эга бўлган хўжалик жамиятлари фаолиятини мониторинг қилиш ва таҳлил этиш, уларда корпоратив бошқаруving замонавий ҳалқаро стандартлари ва методларини жорий этиш, шунингдек, давлат активларини хусусий мулкдорларга, шу жумладан, "ноль" харид қиймати бўйича сотишнинг очик-ойдинлиги ва шаффофлигини таъминлаш, инвесторлар томонидан қабул қилинган инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш;

монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш, рақобатни ва қимматли қозғолар бозорини ривожлантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, баҳолаш, ризолорлик ва биржа фаолиятини лицензиялаш, реклама бозорини тартибга солиш;

кадрларни тизимли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, раҳбар ва мутахассислар, шу жумладан, идоравий тузилмалар раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг иш шакллари ва услубларини такомиллаштириш, зиммасига юклаган вазибаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2018 йилнинг 1 январига қадар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда муттасили аниқлаш тўғрисида: солиқ, статистика ва кадастр органларининг маълумот-

лар базаси билан ўзаро электрон алоқани таъминлайдиган тармоклар, ҳудудлар ва турли хусусийлаштирилган шакллари кесимида давлат мулкнинг хусусийлаштирилган объектлари бўйича маълумотлар базасини;

бўш ётган ва самарасиз фойдаланилаётган хусусийлаштирилган объектлар, ишлаб чиқариш майдонлари ва қурилиш тугалланмаган объектлардан хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадида уларнинг ҳудудий реестрларини;

хусусий бизнесни ташкил этиш учун тадбиркорларга тақвиф этилаётган бўш ётган давлат мулки объектларининг ҳудудий реестрларини яратсин.

5. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазибалар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир;

Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий органларининг раҳбарларини тайинлаш, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Коллегиясининг қарори билан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ташқи иқтисодий фаолият миаллий банки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда:

2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб ҳар бир туманда хусусийлаштирилган объектлар негизда лойиҳаларни амалга ошираётган тадбиркорлар учун касб-ҳунар коллежларининг биноларида ўқув машғулотларидан бўш вақтда ўқув курсларини ташкил этсинлар;

уч ой мuddатда янги иш бошлайётган тадбиркорларга бизнес-режалар тайёрлашда, зарур ахборотни олишда ва тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал этишда уларга эксперт, ҳуқуқий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш учун бизнес-инкубаторлар ташкил этиш бўйича тақвифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси икки ҳафта мuddатда 2017-2018 йилларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш

чора-тадбирлари дастурини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида Давлат мулкни хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармаси негизда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси ташкил этилсин, уни шакллантириш манбалари сақлаб қолинган ҳолда, маблағларни хусусийлаштирилган корхоналарни амалий равишда қўллаб-қувватлашга, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга ҳамда тадбиркорларнинг ўқинишни ташкил қилишга йўналтириш унинг устувор вазифаси этиб белгилансин.

Қуйидагилар хусусийлаштирилган корхоналарни Жамғарма маблағлари ҳисобига қўллаб-қувватлашнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

хўжалик жамиятидаги давлат улуши бўйича республика бюджетига йўналтириладиган дивидендлар; Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки ижарасидан тушадиган маблағлар; Жамғарманнинг республика ва маҳаллий бюджетларга йўналтирилиши лозим бўлган тушумлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 январдаги ПФ-4933-сонли Фармонида мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларига йўналтириладиган давлат мулки объектларини сотишдан тушадиган маблағлар бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқласин.

9. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари қўмита зиммасига юклатилган ваколатларга мувофиқ судларнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган давтолар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-4483-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адиб вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақвифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси В.А.Ғолишев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ ҲУДУДИДА АДИБЛАР ХИЁБОНИНИ БАРПО ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзвучилар уюшмаси билан биргаликда бир ой мuddатда Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида боғнинг умумий кўриниши ва Алишер Навоий ҳайкали билан уйғун равишда Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамбль шаклидаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Адиблар хиёбонининг меъморий лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу манзилда Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси учун замонавий янги бино қуриш назарда тутилсин.

4. Мазкур ҳудудда жойлашган Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси биноси Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси тасарруфига ўтказилсин ва бу ерда доимий равишда китоблар кўргазмалари ва тақдимотлари, турли адабий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган адабий марказ ташкил этилсин.

5. Ўзбекистон Бадий академияси тегишли ташкилот ва идоралар билан биргаликда миллий адабиётимизнинг улкан намояндалари: Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли олим ва жамоат арбоби Озод Шарофиддинов;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов; Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов; Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф хотирасига бағишланган ёдгорлик мажмуаларини барпо этиш бўйича бир ой мuddатда ижодий танлов эълон қилинсин ва уни белгиланган тартибда ўтказсин.

6. Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Республика Маънавият тарғибот маркази:

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Ҳамид Олимжон ҳайкалининг; Рафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Рафур Фулом ҳайкалининг;

Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги хиёбонда ўрнатилган Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ҳайкалининг Адиблар хиёбонига кўчириш тўғрисидаги тақвифига розилик берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмат" инжиниринг компанияси Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш бўйича, Ўзбекистон Бадий академияси мазкур қарорнинг 5-бандида кўрсатилган адибларнинг ҳайкалларини яратиш бўйича буюртмачи этиб, шунингдек, "ТошкентбошланАИТИ" ДУК лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун бош лойиҳачи этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ва бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан давлат архитектура-қурилиш назоратини амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда тасдиқланган лойиҳа ҳамда ушбу қарорнинг 5-бандида кўрсатилган ижодий танлов натижалари асосида Адиблар хиёбонининг яхлит меъморий ансамблини барпо этиш билан боғлиқ ташкилий масалаларни, шунингдек, молиялаштириш манбаларини белгиланган ҳолда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

корхоналарнинг асл ҳолатини ўрганиш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва молиявий-иқтисодий аҳолини мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш ва сабабларини аниқлаш, уларни кредит ва моддий ресурслар билан таъминлашда, муҳандислик-ишлаб чиқариш инфратузилмасини тиклашда, ички ва ташқи савдо бозорларини топишда амалий кўмак бериш билан сўст шугулланмоқда.

Юзага келган ҳолат ваколатли органларнинг хусусийлаштирилган корхоналарга ёндашувлари, улар билан ишлаш принциплари ва усулларини тубдан ўзгартаришни, фаолият самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш, ишлаб чиқаришни тиклаш ва ривожлантириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, тадбиркорлик фаолиятининг асосларини ўргатиш, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбаларини кенгайтиришни талаб этади.

Қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да иқтисодийни азда ривожлантириш ва либераллаштиришдаги муҳим вазифа сифатида хусусий мулкнинг устувор ролини кучайтириш ва хусусийлаштирилган объектлар негизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг мавжуд улкан иқтисодий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспортни жаддалаштириш, аҳоли бандлиги ва даромад-

ларини ошириш ҳисобига улар иқтисодий ўсишнинг локомитиви бўлиб қолишлари керак. Хусусийлаштирилган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш яқин йилларда республика минтақалари ва бутун мамлакатни ривожлантиришда кучли омил бўлиши даркор.

Буларнинг барчаси хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишни республика Ҳукумати ва ташкил этилаётган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ғоят муҳим вазибаларидан бири этиб қўймоқда.

Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ишлар самарадорлигини тубдан оширишни, хусусийлаштирилган корхоналар негизда амалга оширилаётган лойиҳаларни тизимли ва манзилли қўллаб-қувватлашни ташкил этиш, шунингдек, белгиланган вазибаларни амалга оширишда ваколатли органлар фаолиятини зарур даражада мувофиқлаштиришни таъминлаш мақсадида:

1. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ҳисобот беради.

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича Комиссия иловага мувофиқ таркибда тузилсин, қуйидагилар унинг асосий вазибалари этиб белгилансин:

3. Комиссия (А.Н.Арипов): бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг раҳбарлари, марказий аппарат бош бошқармалари, бошқармалари ва бўлимларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, бўйсунувчи тузилмаларнинг бошлиқлари аттестациядан ўтказилишини ташкил этсин;

аттестация натижаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини қўмитага юклатилган вазибаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошира оладиган юқори малакали, ташаббускор ва виждонан ишлайдиган раҳбар кадрлар билан таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг ўз зиммаларига юклатилган вазибалар ва функцияларни бажариш, хусусийлаштирилган корхоналарга қайта тиклаш ва фаолият самарадорлигини ошириш бўйича "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган аниқ чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари мунтазам тинглаб турилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2017 йил 18 апрель

Қайд этиб ўтисинки, мамлакатимизнинг мустақил ривожланиши даврида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бўйича тизимли ишлар доирасида 30 мингдан ортиқ давлат объекти, шу жумладан, 6,5 мингта йирик ва ўрта корхона хусусий мулк қилиб сотилди. Натияжада ҳозир нодавлат секторига ялпи ички маҳсулотнинг 81 фоиздан кўпроги, саноат ишлаб чиқаришининг 94 фоизи ва барча банд аҳолининг 82 фоиздан зиёди тўғри келмоқда.

Аmmo шу билан бирга танқидий таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бир қатор корхоналарни хусусийлаштириш кутилган натижаларни бермади.

Хусусан, республика минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ишларининг бориши билан танишиш натижалари хусусийлаштирилган корхоналарнинг мулкдорлари ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланилмаётгани ва корхоналарни узоқ мuddатли ривожлантириш билан шугулланмаётгани, ихтисослашган ишлаб чиқаришларни тикламаётганлиги ва ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий технологияларни жорий этилмаётганлигини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолатлар Тошкент шаҳрида аввал хусусийлаштирилган "Реле ва автоматика", "Алгоритм" заводлари, Самарқанд шаҳридаги "Қизил дивигель" ва Лифтсозлик заводлари, Жиздаун ил йигирув фабрикаси, Хоразм вилоятининг Урганч туманидаги парранда фабрикаси, Термиз шаҳридаги "16-сонли гиншт заводи" ва бошқа қўллаб объектлар мисолида кўришиб турибди.

Ўтказилган хатлов натижаларига кўра, аввал хусусийлаштирилган корхоналар негизида 2 мингдан ортиқ паст рентабелли ва зарар кўраётган кам қувватли хўжалик субъекти, шу жумладан, мингдан ортиқ ишламаётган ҳамда деярли бўш ётган объект, самарасиз фойдаланилаётган ер участкалари ва ишлаб чиқариш хоналари аниқланган.

Давлат органлари хусусийлаштирилган

Фракция ҳаёти

ФАОЛИЯТ — САМАРАДОРЛИК, АМАЛИЙ НАТИЖА БИЛАН МУҲИМ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Шу йил бошида партия дас-турий мақсад-вазифалари, сайловчиларимиз, электротимиз манфаатларидан келиб чиқувчи, бугун давр олдимишга қўяётган устувор вазифалар асосида ўз фаолиятимиз йўналишларини белгилаб олган эдик, — деди фракция раҳбари Сарвар Отмуратов. — Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган янги тизимга кўра, фракциядошларимиз ҳар ой маълум муддат жойларга чиқиб, аҳоли билан мулоқот олиб бораётир, ҳудудлардаги мавжуд муаммо ва масалаларни ўрганмоқда. Партия ташкилотларида ташкил этилаётган амалий семинарларда иштирок этмоқда, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилинмоқда. Аммо фракцияимизнинг жорий йил биринчи чорак давомида қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга ошириш соҳасидаги фаолияти яқунлари қониқарли эмас, ҳисобот давридаги фаолиятимизни бугун давр олдимишга қўяётган талаб даражасида, деб бўлмайди. Парламент назорати доирасида амалга оширилши лозим бўлган ишлар, мазкур даврда ишлаб чиқилши белгиланган қонун лойиҳаларини охирига етказиш ва муҳокамага олиб чиқишда фракцияимиз аъзо-

ларида шахсий ташаббускорлик етишмаяпти. Бугун олдимишда турган долзарб вазифаларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш ярамайди. Халқ манфаати йўлида амалга ошири-лаётган кенг миқёсдаги ислохотларда, изчил ривожланиш жараёнида ўзМТДПнинг, партия фракциясининг ўз ўрни ва фаол иштироки бўлиши зарур.

Йиғилишда фракция масъули-гидаги кўмиталар ҳамда фракция аъзоларининг қўйи палата кўми-таларидаги фаолияти ҳам танқидий таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, фракция масъулигидаги Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзолари ҳар ой жойлардаги фаолияти давомида таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларида бўлиб, махсус сўровнома асосида улар фаолиятини ўрганмоқда. Ёшларнинг китоб ўқишдан манфаатдорлигини ошириш, долзарб наشرлардан фойдаланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсади-да «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-ликаси қонунини такомиллашти-риш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиладиган. Мазкур жараёнда ўзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этаётир.

Мазкур кўмита таркибидаги фракция аъзолари бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар-

даги ўзМТДП гуруҳлари билан ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, халқ депу-татлари Қорақалпоғистон Респуб-ликаси, Наманган ва Тошкент вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари таълим муассасалари кутубхоналарининг китоб ва зарур ўқув-ўқувий қўлланмалар билан таъминланиш ҳолатини ўрганмоқда. Ушбу масалани сес-сиялар кун тартибига олиб чиқиш режалаштирилади. Бу борада фракция аъзолари ҳамда партия гуруҳлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши ўзМТДП сайловоти Платформасида белгиланган камол топиб келаётган авлодни, биринчи навбатда, китобга муҳаббат ва ҳур-мат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларда матбаачилик маҳсулотлари-га қизиқишни кучайтиришга кў-маклашиш борасидаги мақсад-ва-зифалар ижросига хизмат қилади. Шунингдек, йиғилишда Халқаро ишлар ва парламентларо кўмита, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси фаолияти ҳам таҳли-лий-танқидий муҳокама қилинди.

Йиғилишда фракция аъзолари-нинг апрель ойида жойларда олиб борган фаолияти, аҳоли билан учрашувлари, ҳудудлардаги ўрга-ниш яқунлари қизгин муҳокама



қилинди. Бу борада сайловчилар билан ишлаш масалалари бўйича ишчи гуруҳ раҳбари, ўзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқов ахборот берди.

— Парламент аъзоларининг ҳу-дудлардаги фаолияти жойлардаги турли кўламдаги масалалар, анчадан буён ўз ечимини кутаётган, аҳолини ўйлантираётган муаммолар билан яқиндан танишиш ва уларни ижо-бий ҳал қилиш имконини бермоқда, — деди Акмал Умрзоқов. — Маз-кур жараёнда ўзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, аҳоли кўтараётган масала-муаммо-ларга ечим топишга ҳаракат қил-моқда. Жумладан, 1-10 апрелдаги

ўрганишлар давомида фракцияимиз аъзоларига 36 масалада мурожа-атлар бўлган. Ўрганишлар, очиқ мулоқотлар мобайнида кўтарилган кўплаб масалаларга депутатларимиз аралашуви билан тегишли мутаса-дилар иштирокда жойида ечим топилди. Қолган мурожаатлар ва ўрганиш яқунлари таҳлил қилиниб, улар юзасидан тегишли чора-тад-бирлар кўриломоқда. Яъни фракция аъзолари номидан 17 давлат ҳоки-мияти ва бошқарув органлари ҳамда хўжалик ташкилотларига мурожаат, фракция номидан тегишли идора ва ташкилотларга 12 мурожаат, 21 депутатлик сўрови юбориш режа-лаштирилмоқда. Бундан ташқари,

мазкур ўрганиш тизими амалиётга татбиқ этилган вақтдан буён тўп-ланган маълумотлар асосида ик-кита парламент сўрови юборишга тайёрлик кўриломоқда. Хусу-сан, жойларда таълим сифатини ошириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вази-рлигига, ҳудудлардаги мавжуд спорт иншоотлари ҳолатини ях-шилаш, спорт инвентарлари билан таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасига парламент сўрови юбориш мўлжалланмоқда.

Дарҳақиқат, фракция аъзолари аҳоли билан мулоқот ва ҳудуд-лардаги ўрганишлар давомида аниқланган камчилик ва муаммо-ларни бартараф этишда «Парламент назорати тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва вако-латлардан самарали фойдаланиши мавжуд масалаларни ижобий ҳал қилиш, шунингдек, партия го-я ва мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилиш яқунда фракция аъзо-лари муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари, тақлиф-тавсияларини билдирди. Улар олдидан турган долзарб вази-фаларни амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз

Инсон манфаати — ҳар нарсадан устун

АКСАРИЯТ МУАММОНИ ЖОЙИДА ҲАЛ ҚИЛСА БЎЛАДИ

БУНИНГ УЧУН ҲАҚ ВИЖДОН БИЛАН ЯШАШ, КАТТА ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИШЛАШ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

«Инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришда халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини билиш жуда муҳим. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили мurosабати билан жойларда ўтказилаётган учрашувлар ва очиқ мулоқотларда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиладиган.

Олий Мажлис палаталарига ҳудудлардан сайланган депутатлар ва сенаторларнинг ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, амалий мулоқотлар ўтказиши ҳам бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтказилаётган му-лоқотларда туманларда иқтисодий инфратузилмани ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, молия-кредит ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этишни таъминлаш, савдо ва машиини хизмат кўрсатиш сифати-ни ошириш, аҳоли бандлигини кафолатлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Албатта, булар қонун ижодкорларининг жойларда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиши, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини ўрганиши ҳамда аҳолининг талаб ва тақлифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олишида муҳим аҳамиятга эга.

Аҳоли билан мулоқот, жойлардаги ўрганиш натижалари ҳамда партия фаоллари ҳамда депутатлик корпуслари олдидан турган муҳим вазифалар ҳусусида ўзМТДП фракцияси аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Дилфуза ЖАЛИЛОВА, ўзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугун юртимизда халқ билан мулоқотнинг очиқ ва самарали ме-ханизмлари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижа-да юртдошларимизни ўйлантираётган муам-молар чуқур ўрганилиб, уларнинг ечимига кенг йўл очилмоқда. Ай-ниқса, сени қўлаб-қувватлаган, сен учун овоз берган аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиб, мавжуд муаммоларни атрофича ўрганиш ва уларга ечим топиш депутат зиммасидаги асосий вазифа саналади. Шу боис ҳудудлардаги учрашувларимиз давомида ечимини кутаётган ҳаётий ма-салаларни ўша жойнинг ўзида бартараф этиш чора-тадбирларини кўряпмиз.



Яқинда Қашқадарё вилоятининг Қам-ши туманида бўлиб, бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой ва ижтимоий йўналишлардаги турли масала-муаммолар билан яқиндан танишдик. «Кўкбулоқ» кишлоқ врачлик пункти фаолиятини ўрганишимизда, иншоотнинг таъмирта-лаблани, малакали мутахассислар етиш-маслиги, керакли тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминланмагани, тез тиббий ёрдам машинаси анча вақтдан буён носозлиги каби муаммоларга гувоҳ бўлдик. Мазкур масалаларни бартараф этиш юзасидан вилоят ҳокимиютига депутатлик сўрови билан мурожаат қилдик. Натижада мавжуд ҳолатни бартараф этиш бўйича чора-тад-бирлар кўриладиган бўлди.

Туманининг «Кизилтепа» кишлоқ фуқа-ролар йиғинида истиқомат қилувчи Нор-мўмин Ганиев хонадонига бўлганимиз-да, 5-6 йилдан буён уч оила битта уйда яшаб келаётгани, уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш масаласида тегишли ташкилотларга мурожаатлари самара бер-маётгани маълум бўлди. Бу борада туман ҳокимиюти вакиллари билан гаплашдик.

Улар масалани ижобий ҳал этишни зим-масига олди. Бундан ташқари, аҳоли билан юзма-юз мулоқот давомида туманининг айрим чекка қишлоқларида мактабгача таълим муассасалари, спорт мажмуалари бунёд этишга эҳтиёж борлиги, жамоат транспорти қатнови мунтазам йўлга қўйи-лмагани билан боғлиқ ҳолатлар аниқланди.

Аҳоли билан мулоқотлар муаммоларга жойида ечим топиш ва ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қила-ди. Қолаверса, қонун ижодкорларининг жойларда ислохотларнинг бориши билан яқиндан танишиш, қабул қилинаётган қонун ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳуж-жатлар ижросини ўрганиш ҳамда аҳоли-нинг талаб ва тақлифларини эшитган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олин-да муҳим аҳамият касб этади.

Азамат ПАРДАЕВ, ўзМТДП фракцияси аъзоси:

— Халқ билан му-лоқот ва инсон ман-фаатлари йили ҳар биримиздан ўз фао-лиятимизга масъули-ят билан ёндашишни талаб этади. Шу боис ҳудудлардаги учра-шувларимиз давомида инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган ма-сала-муаммоларга ечим топишга устувор аҳамият қаратяпмиз.

Учрашувларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, фермерлардан ўз фаолиятини кенгайтириш, ер ажратиш, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан кўплаб мурожаатлар бўлди. Қайси хона-донга кирган бўлсак, уларнинг бирор-бир мушкулени осон қилиш, дуч келаётган муаммоларига имкон қадар ечим топи-шга интилдик. Ўрганишлар натижаларини сарҳисоб қилиб, шундай ҳулосага келяп-мизки, аҳолининг кўп мурожаатларига

маҳаллий давлат ҳокимиюти идоралари мутасаддилари ёхуд халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатлари воситасида ўша жойнинг ўзида ечим топса бўлади. Масалан, яқинда Самарқанд вилоятининг Пастдаргом туманидаги «Қорағушпа» маҳалла фуқаролар йиғинида ўрозбой Ҳамидов хонадонига бўлдик. Хунар-манда-уста ўрозбой ака ўғли билан бирга ошхона учун мебель ва жиҳозлар тайёр-лайди. Маҳсулотлар харидоригир, шунга яраша иш ҳам қизгин. Аммо хунарманда-устанинг ўз фаолиятини кенгайтириш, алоҳида устахона қуриш учун ер ажратиш тўғрисидаги маҳаллий ташкилотларга мурожаати икки йилдан буён ҳал этилма-й келаётгани боис, ҳафсаласи охири пир бўлган экан. Ушбу масала юзасидан ўша жойнинг ўзида туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан боғландик. Айни пайтда хунарманда-уста ўрозбой Ҳамидовга ер ажратилиб, зарур ҳужжат-лар расмийлаштирилмоқда.

Биргина мана шу мисолдан ҳам кўриш мумкинки, ҳудудлардаги кўплаб муам-моларга ўша жойнинг ўзида маҳаллий давлат ҳокимиюти идоралари, тегишли мутасаддиларнинг вазифа ва ваколатлари доирасида ечим топса бўлади. Аксарият ҳолатда фуқаролик паспортини вақти-да ололмаётган, алмаштиролмаётган ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани бериш пайсалга солинаётган, ногиронлик нафақа-сини тайинлаш каби кўлами, моҳият-эти-борига кўра ўша жойнинг ўзида ҳал этса бўладиган масалаларга ечим топишда аҳоли вакиллари азият чекаётгани ҳам тааж-жубланарли, ҳам ачинарли ҳолат эмасми?

Қисқа айтганда, адолатнинг катта-ки-чиги бўлмайди. Жойлардаги мутасадди идора ва ташкилотлар раҳбарлари фуқаро-ларнинг қонуний мурожаатларини эъти-борсиз қолдирмасдан кўриб чиқиш ва ҳал қилиш биринчи даражали вазифаси экани ва уларнинг фаолиятига ана шу мезондан келиб чиққан ҳолда баҳо берилишини чуқур англаб етишлари лозим.

Зулхайо РАЗЗОҚОВА, халқ депутатлари Шароф Рашидов туман Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи аъзоси:

— Дарҳақиқат, қачонки халқ ичига кириб борсак, улар билан дилдан сўхбатлашсак-кина юртдошларимиз турмуш тарзи, мақсад-ўйлари ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ўзМТДП фракцияси аъзоси Алишер Қодировнинг туманимиз аҳолиси билан му-лоқотларида бевосита иштирок этдик. Имкони борича кўпроқ ҳудудда бўлиш, кўп сонли аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида фракцияимиз аъзосига кўмаклашдик, у билан биргаликда иш олиб бордик. Хонадонма-хонадон кириб юриш асносида давлатимиз раҳбарининг 2017 йилга Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб ном беришининг моҳиятини яна бир бор теран англадик.



Мулоқотларда фуқаролардан тушган ва бевос-ита учрашувларда ўртага ташланган мурожа-атлари ҳал этиш юзасидан тегишли ташкилот ва корхоналарга депутатлик сўрови юбордик. Масалан, Яхтанлик маҳалласида яшовчи Да-дажон Шербўтаев банкдан имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Ушбу мурожаат юзасидан депутатимиз билан биргаликда зарур чора-тадбирлар кўрилди ва ижобий ҳал қилинди.

Умуман, ўрганиш натижалари асосида Шароф Рашидов туманидаги маҳаллаларда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ком-мунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш, ички йўллар таъмири ва бандлик масаласига алоҳида эътибор қаратиш, жойларда маънавий тарғибот ишларини кучайтириш юзасидан му-тасадди ташкилотлар томонидан аниқ муддатли чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, масъуаллар белгиленди.

Парламентдаги фракцияимиз билан ҳамкорлик-да иш олиб бориш маҳаллий Кенгашдаги ўзМТДП гуруҳлари фаолияти самарадорлигида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу ўринда яна бир гап: фуқаролар билан мулоқот қилиш, мурожаатларини тинглаш ва ҳал қилишда парламент аъзоларини кўзб-ўтирмасдан, фақат уларга таяниб қолмасдан ўз ваколатларимиз доирасида масъулият билан иш тутишимиз зарурлигини англадик. Айни пайтда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ижросини таъминлашга доимий эътибор қаратиш, сессияларда кўрила-диган масалалар, доимий комиссиялар, партия гуруҳларининг фаолият самарадорлигини оши-риш, депутатлик назоратини кучайтиришни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Воҳиджон ИМОННАЗАРОВ, халқ депутатлари Тўрақўрғон туман Кенгашига ўзМТДПдан сайланган депутат:

— Президентимиз раҳна-молигида мамлакатимизда халқ билан мулоқот қилиш ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича янги тизимга асос солинди. Бу халқ депу-татлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятини ҳам тубдан куч-айтиришда муҳим омил бўлаётир. Яқинда парламент аъзолари Тўрақўрғон тумани ижтимоий-иқти-содий ҳаёти билан яқиндан танишиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда, хонадонларда бўлиб, аҳоли билан очиқ мулоқотлар ўтказди. Маз-кур жараёнда ўзМТДП фракцияси аъзолари Нодиржон Мухторов, Акмал Раҳмонов ҳамда Шухрат Тўхтабоев билан ҳамкорликда ишлаб, мавжуд муаммоларни ўргандик.



Халқ депутатлари туман Кенгашининг нав-батдаги сессиясида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан туманда ҳудудни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлик-ларини таъминлаш борасида олиб борилган ишларни ўрганиш натижалари муҳокама қилин-ди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлиф-тавсиялар берилди.

Сессияда таъкидланганидек, тумандаги ўрга-нишлар давомида парламент аъзолари томонидан мулоқотларда фуқаролардан тушган ва бевосита учрашувларда ўртага ташланган 485 мурожаат-нинг 215 таси жойида ҳал этилди. 200 дан зиёд мурожаат тегишли мутасадди ташкилотларга ижро учун юборилди. Республика даражасида ўрганиш тақозо этиладиган 50 га яқин мурожаатда кўтарилган масалаларни парламент назоратининг турли шакллари орқали ҳал этиш, тегишли давлат бошқаруви органларига парламент ва депутатлик сўровлари юбориш, парламент эшитувларини ташкил этишга қаратилган аниқ мақсадли ва манзилли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбарининг «Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир», деган ҳаётбахш сўзлари, айниқса, биз, депутатлардан янада фаол бўлиш, раҳбарлардан шахсий жаовб-гарлик ва масъулиятни янада оширишни тақозо этмоқда. Бинобарин, ушбу сессияда ҳам депу-татларнинг кенг омма билан ишлашдаги фаолиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини яхшилаш, депутатлар-нинг халқ билан мулоқотдаги фаолиятини янада ошириш юзасидан фикр алмашилди.

«Milliy tiklanish» мухбири Мухтарама КОМИЛОВА ёзиб олди

Таҳлил

ҲАР БИР МУРОЖААТ — ЭЪТИБОР ВА НАЗОРАТДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

ЎзМТДП фаолиятида жорий этилган мазкур тизим партиянинг жисмоний ва юридик шахсларни қабул қилиш ва уларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифларини кўриб чиқиш имкониятларини кенгайтириб, электрот манфаатларига дахлдор муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва ҳал этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу жараёнда мурожаатларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлаш, шу орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, мавжуд муаммоларнинг юзага келиш сабабларини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси

Жорий йил бошидан ЎзМТДП ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан 1 минг 190 мурожаат бўлган бўлса, уларнинг асосий қисми бандлик, уй-жой, тадбиркорлик, коммунал хизмат, пенсия ва нафақа, тиббиёт соҳаларига оид.

аъзолари аҳоли мурожаатлари асосида жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш билан бирга амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёхуд янги ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан таклиф ва ташаббусларни шакллантираётир.

Мурожаат қилаётган ҳар бир фуқаронинг ариза ва шикоят ҳолисона, ўз вақтида кўриб чиқилю, ижобий ҳал этилмоқда. Жорий йил бошидан ЎзМТДП ташкилотларига жисмоний ва юридик шахслардан 1 минг 190 мурожаат бўлган бўлса, уларнинг асосий қисми бандлик, уй-жой, тадбиркорлик, коммунал хизмат, пенсия ва нафақа, тиббиёт соҳаларига оид. Аҳоли томонидан билдирилган муаммоларнинг кўпчилиги партия ташкилотлари ва депутатларимиз иштирокида ечимини топишда, қолганлари назоратда олинмоқда.

Фуқаролар мурожаатларининг таҳлили асосида қайси соҳаларда ечимини кутаётган муаммолар борлиги аён бўлмоқда. Ҳар ҳафта якуни бўйича ўтказилаётган йиғилишларда бу муаммолар чуқур таҳлил этилиб, уларни ҳал этиш масаласига эътибор қўйилган. Масалан, банк-кредит масаласига оид мурожаатларни ҳал қилишда депутатлар кўмаги билан бирга, партиянинг "Банк кредитлари — хунармандаларга" лойиҳаси ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Таъкидлаш жоиз, бугун юртимизда бирор фойдали иш билан шуғулланман, деган кишига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Шу боис ҳам юртимизда томорқачилик, чорвачилик, миллий хунармандалик, оилавий бизнесни йўлга қўйиб, даромад кўраётган оилалар сони кўпайиб бормоқда. Бу оила мустақамлиги ҳамда фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Қўшработ тумани "Қўралос" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Нозима Муҳаммадиева чорвачилик билан шуғулланиш нияти борлигини айтиб, ЎзМТДП Қўшработ туман кенгашидан кўмак сўради. Партия вакиллари унинг таклифини қўллаб-қувватлаб, масала ечимини юзасидан "Асака банк"нинг Афросиёб филиали билан боғланди. Натижада, Н.Муҳаммадиевага чорвачиликни ривожлантириш учун 3 йилга 6 ой имтиёзли давр, йиллик 9 фоиз устура ҳақ тўлаш шартини билан 5 миллион сўм микрокредит ажратилди.

Худди шу каби Паркент тумани "Бодомтепа" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Сайридин

Маъдиев ҳам чорвачилик билан шуғулланиш учун имтиёзли банк кредити олишда амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП Паркент туман кенгашига мурожаат қилди. Партия туман кенгаши кўмаги билан С.Маъдиевга "Микрокредитбанк" туман бўлими 7 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Мурожаат қилувчилар орасида касб-хунар коллежларини тамомлаб, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари асосида ўз тадбиркорлик ишини бошлашни истовчи қизлар ҳам кўпчилиги ташкил этади. Навоий шаҳрилик коллеж битирувчиси Камола Камоловнинг тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун банкдан кредит олишда амалий ёрдам сўраб ЎзМТДП Навоий вилоят кенгашига мурожаати ҳам ижобий ҳал этилди. "Микрокредитбанк" АТБ Навоий вилоят филиали К.Камоловага тикув машинаси сотиб олиш

келиб тушди. Партия ташкилоти туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан боғлиқ, бўш иш ўринлари тўғрисида маълумот олгач, у тумандаги 9-футбол мактаб-интернатига ишга жойлаштирилди.

Эътиборлиси, фуқаролар партия ташкилотларига нафақат шахсий ёки оилавий муаммолари, балки ўзлари яшайдиган ҳудуд ёхуд аҳоли манфаатларига хос долзарб масалаларни ҳал этиш юзасидан ҳам мурожаат этмоқда. Масалан, китоблик Зокир Азимов Болқон Қайчили қишлоғида электр энергияси узиллигини бартараф этиш юзасидан амалий ёрдам сўраб партия туман кенгашига мурожаат қилди. Унинг таклифига кўра, мазкур муаммони ижобий ҳал этиш учун қатъан қувватли трансформатор ўрнатиш зарур. Мурожаатга асосан Китоб тумани ҳокимлиги ва туман электр тармоқлари корхонаси раҳбарига сўров юборилди. Болқон Қайчили қишлоғида янги трансформатор ўрнатиш туман ҳокимлигининг шу йил 3-чораги манзилли дастурига киритилди.

Аҳолини суюлтирилган газ баллонлари билан таъминлаш, айниқса, табиий газ етиб бормайдиган ҳудудларга суюлтирилган газ етказиб берилишини йўлга қўйиш борасида ҳам кўплаб мурожаатлар тушмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Балақчи туман кенгашига "Омонариқ" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Маҳбуба Холиқованинг Зухро Юлдуз кучаси аҳолисига суюлтирилган газ баллонларини ўз вақтида етказиб бериш масаласи юзасидан мурожаати ижобий ҳал қилинди. Халқ депутатлари Балақчи туман Кенгаши депутати Ҳаётулло Абдукаримовнинг амалий саъй-ҳаракати билан "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг туман бўлими мазкур хонадонларга суюлтирилган газ етказиб бера бошлади.

Бундай мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Энг муҳими, мурожаатларнинг аксариятига ўша жойнинг ўзида ечим топилаётир, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмапти. Мурожаатлар таҳлили аҳолининг дунёқарashi, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлиги юксалаётганидан далолат бермоқда. Фуқароларнинг, айниқса, партия ташкилотлари ва депутатларга мурожаати, ишончи уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини янада оширади. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, партия ташкилотлари ҳамда депутатлар, ўз навбатида, сайловчи мурожаатини эътиборсиз қолдирмаслиги, уларни ҳал этиш йўллари излаши ва топиши, партия тизимида халқ билан мулоқотни янги bosқичга олиб чиқиши, электрот манфаатлари ҳимоясини таъминлашга эришиши зарур. Бу эса партия тарафдорлари сафини янада кенгайтириш, партия сайловолиди Платформаси ижросини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон, эл-юртимиз ҳаётига оид бирон бир муаммо-масала мужассам. Буларнинг ҳал этилиши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнини тезлаштиради, халқ фаровонлигини ошириб, фаолиятимизнинг очиқ-ошкоралиги ва ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

Ойбек ИБРОҲИМХОНОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши
Ижроия кўмитаси девони
Жисмоний ва юридик
шахсларнинг мурожаатлари
билан ишлаш сектори
мутахассиси

Ташаббус натижа берди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Жумладан, халқ депутатлари Навоий вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижросини сессия муҳокамасига олиб чиқди.

оилалар, тарбияси оғир бўлган ёшларни аниқлаб, улар билан тарбиявий иш олиб бориш жиддий эътиборни талаб этмоқда. Шу боис партия гуруҳимиз ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида улар билан мунтазам мулоқотлар ташкил этмоқда. Шунингдек, жойларда

айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг ҳар пайшанбаси мамлакатимизда Профилактика куни сифатида белгилангани, шу мақсадда жойларда ўтказилаётган тадбирлар тобора изчилик касб этишида кенг жамоатчиликнинг фойдаланилиши таъминлаш лозимлиги таъкидланди.

Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида сессия

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТАҚДИРИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

ЎЗМТДП ГУРУҲИ УШБУ МАСАЛАНИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Сессияда мазкур қонун вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва улар содир этиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни келтириб чиқараётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга қаратилгани таъкидланди. Шунинг учун ҳам вилоятда ушбу қонун ижроси юзасидан тизимли чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Бунинг натижасида 2016 йилда вилоятда вояга етмаганлар иштирокидан содир этилган жиноятлар сизилари даражада камайди. Аммо мазкур йўналишда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам талай.

Бугун вилоят аҳолисининг қарийб 300 мингга яқинини вояга етмаганлар ташкил қилади. Уларнинг аксарияти илму хунар эгаллаш йўлида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланаётир. Бирок уларнинг барчаси ҳам мунтазам равишда фойдали машғулотларга, спорт ёки фан тўғрисидаги жалб этилмагани боис нималар билан машғулиги мавҳумлигича қолмоқда. Аниқлаштириш, вилоятдаги вояга етмаганларнинг атиги 10 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланади. Бу ёшларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш билан боғлиқ ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар борлигини, айниқса, спорт билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш зарурлигини кўрсатади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир ислоҳот замирида баркамол авлод орзуси мужассам, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Бахтиёр Бозоров. — Айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш, нотинч

ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлар ва ёт оқимлар таъсиридан асраш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшлар бандлигини таъминлашга оид ишлар ҳолатини ўрганмоқда. Хусусан, "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг вилоятдаги ижросини ўрганиш жараёнида ҳам бу борада ҳал этилиши лозим бўлган қатор муаммолар борлиги аниқланди. Масалан, вилоятимиздаги Интернет клублар фаолиятини тартибга солиш, уларнинг кеч-ки 22:00дан кейинги фаолиятини чеклаш зарурати мавжуд. Айниқса, бугун ижтимоий тармоқлар воситасида "Кўк кит" каби хавфли виртуал ўйинлар тобора авж олаётган бир даврда бу каби масалаларга панжа ортидан қараб бўлмайди. Чунки ҳали оқ-қоранинг фарқи яхши бормайдиган ўспириннинг назоратсиз қолиши унинг тўғри йўлдан қалғиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис бу ишга масъул бўлган давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар фаолияти самардорлиги ҳамда масъулиятини янада ошириш лозим.

Сессияда вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масаласи қизгин муҳокама этилди. Бунда ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда таълим муассасалари ўртасида мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилиши лозимлиги қайд этилди. Болаларни ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш, ўспиринлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини мустақамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик органларининг масъулиятини ошириш борасида таклиф-таъсиялар билдирилди. Бу борада,

қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Навоий вилоят ҳокимиятига Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, вилоят прокуратура, ички ишлар бошқармалари зиммасига вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳудудларда вояга етмаганларнинг маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик, жисмоний, меҳнат тарбиясида иштирок этиш, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга кўмаклашиш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига ёрдам бериш вазифалари юклатилди. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамоатлари ҳамда Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ва бошқа тегишли ташкилотларга маҳаллаларда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорликни мустақамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва маънавий етук шахс этиб тарбиялаш учун ҳуқуқий-маънавий тарғибот ишларини кучайтириш, жойларда, айниқса, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшларни соғлом ва комил инсон қилиб ўстириш ва тарбиялаш, уларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланишлари учун барча шароитни яратиб бериш, ёшларнинг ишлари билан боғлиқ вазифалардан унумли фойдаланиши учун кутубхоналар ташкил этиб, уларга ёшларни кенг жалб этиш тавсия этилди. Бу борада амалга оширилаётган ишларни вилоят оммавий ахборот воситалари орқали батафсил ёритиб бориш лозимлиги белгиланди.

Илҳом РАҲАБОВ,

ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши Ижроия кўмитаси девони раҳбари:

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолиди Платформасида ёш авлодни баркамол, етук инсон қилиб вояга етказиш, она юртва садақат руҳида тарбиялаш ва уларни халқимизга ёт ва инсон онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофиза қилишга кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Чунки ёшлар — юртимиз келажаги, эртанги кунимиз эгалари. Уларнинг таълим-тарбияси, иш билан бандлиги оилалар фаровонлиги, жамият равнақи ва мамлакат тараққиёти билан ҳамбарчас боғлиқ. "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси партия гуруҳимиз томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилиши ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бирок ушбу масаланинг сессия муҳокамасига олиб чиқилгани — бу борадаги муаммоларнинг барчаси бартараф этилди, дегани эмас. Шу боис депутатларимиз ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда қарор ижросини қатъий назорат қилиши жойларда ёш авлодни баркамол тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ва кўламини мунтазам ўрганиб бориши, мутасадди идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини янада кучайтириши лозим. Бу борадаги саъй-ҳаракатлардан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, маънавий ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашдан иборатдир.

Аҳмад ЮСУПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ДОРИЛОМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ

Букилас ирода ва жасорат намунасини амалда намойи этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равиқ топши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиш, эзу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш халқимизга хос азалий қадриятдир.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи 93 ёшли Мадаминжон бобо Ҳасановнинг айни куч-қувватга тўлган йигитлик даври Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Андижон вилоятининг Хонобод туманида туғилган Мадаминжон ота ўн саккиз ёшга тўлмасдан урушга кетди. Подольск шаҳридаги мерганлар курсида ўқиди. Жангинг илк кунларидаёқ душман уясини аниқлаб, ер билан яқсон қилишда мардлик кўрсатди.

— Уруш ўз номи билан уруш, унинг аччиқ хотиралари қалбимда ҳамон оғриқ уйғотади, — дейди отахон. — Ана шу машғум уруш туфайли неча миллионлаб инсонларнинг ёстиги қуриди, қанча болалар етим, аёллар бева қолди, ота-оналар жигаргўшасидан айриди. Кўнгила таскин берадигани — бугунги авлодларимиз тинч-тотув мамлакатда аҳил, хотиржам ва фаровон яшамоқда...

Ёмон кунлар бир кун яхши бўлади, дейишади. Рост гап. Урушдан жони омон қолиб юртга қайтганидан кейин илмга қизиқиш уни ўқиниш ундади. Олийғоҳни битириш, ҳаётнинг пасту баландини кўрган отахон узоқ йиллар савдо соҳасида самарали меҳнат қилди. Аввал ҳисобчи, кейинчалик туман савдо бўлими, матлубот уюшмаси бошлиғи, туман ижроия кўмитаси раиси, вилоят ва республика матлубот уюшмаси раиси, савдо вазири лавозимларида меҳнат қилди. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига эришди. Ўз соҳаси бўйича

кўплаб илмий-услубий қўлланмалар, дарсликлар ёзди, кундалик нашрларда долзарб мавзулардаги мақолалари билан иштирок этди.

Чиндан ҳам, йиллар давомида қилingan меҳнат самараси завқли, нони тотли бўлади. Барча уруш ва меҳнат фахрийлари сингари Мадаминжон ота ҳам эл-юрт ардоғида. Муқтадлик йилларида отанинг меҳнатлари қадрланиб, "Меҳнат шухрати", "Дўстлик" орденлари ҳамда "Жасорат" медали, "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан тақдирланди. Отахон истиқлол шарофати билан олган бу юксак мукофотларни алоҳида эъзозлайди, ҳар бир сўзида юртимизда нурунийларга кўрсатилаётган эҳтиром ва эътибор ҳақида тўққинлашиб сўзлайди.

— Президентимизнинг биз, қарияларга кўрсатаётган юксак эътиборидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Давлатимиз раҳбарининг ақинида эълон қилingan 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармони, "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори бизни янада мамнун қилди, — дейди у. — Уруш йилларининг қийинчиликларини эсласам, тинч-осойишта, фаровон ўтаётган ҳар бир кунимизга беҳисоб шукроналар айтаман. Турли учрашувларда ёшларга ўтмиш хотираларим, ҳаёт тажрибам ҳақида сўзлаб, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етиш, яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишни насиҳат қиламан.

Чинакам зиёли инсон билан гурунлашиш ғоят завқли. Мадаминжон ота болалик давридаёқ китоб мутолаа қилишни хуш кўрарди. Теран фикрлари, хуш кайфияти кишига завқ бағишлайди. Сўзи ҳикмат, ҳаёти ибрат бўлиб, барчани бугунгидек тинч, фаровон кунларнинг қадрига етишга ундайди. Иш столи устида марказий нашрлардан тортиб, турли ада-

биётларни кўриб, шундай табаррук ёшда ҳам отахоннинг илм олишдан чарчамаслиги, мамлакатимиз ва жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмаслигига амин бўлдик. Отахон бир мuddат ҳаёлга чўмиб, давом этди:

— Бундай тўқис ва хотиржам ҳаёт одамни ёшартириб юборар экан, болам. Халқимиз, давлатимиз ардоғида, эъзозу ҳурматда яшаймиз. Биз, кексаларга ғамхўрлик кўрсатаётган, ҳурмат-эҳтиром қилаётган Президентимиздан миннатдоримиз. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фронти фахрийларининг ҳурмати жойига қўйиш, ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш, турмуш шароитларини янада яхшилашга доимий эътибор қаратилиб турилса, яна юз йил яшагинг келаркан...

Дарҳақиқат, кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонларнинг ўғитлари ёшлар учун ибрат. Мадаминжон ота уйига йўқлаб келганларга ёшлигидаги суратларини кўрсатишни хуш кўради. Қуроқдош дўстлари ҳақида эслайди, халқимизнинг бағрикенг ва самимийлиги хусусида тўққинлашиб гапирди. Президентимиз раҳнамолигида эришилаётган бемисл ютуқларнинг қадрига етишни ёшларга ўқтиради. Кетишга чоғланганимизда табаррук отахон муқтадлик, тинчлик ва осойишталик халқимизнинг бебаҳо бойлиги экани, унинг қадрига етиш зарурлигини таъкидлади, юртимизга тинчлик-омонлик тилаб, дуо қилди.

— Эл-юрт ардоғида яшаётганимга беҳад шукроналар айтаман, — дейди Мадаминжон ота. — Биз кўрган оғир кунларни ҳеч қим кўрмадим. Илоҳим, бизга эҳтиром кўрсатган инсонларнинг ўзлари ҳам улуғ ёшларга етиб, доимо эл-юрт ардоғида бўлсин, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка кўз темгасин!

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий гурур

ЯНГИ АВЛОД ОЛИМЛАРИ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Иқтидорли ёш олим, Президент степендианти Ҳабибулло Носиров ҳам мазкур кенгаш аъзоси. Ҳабибулло болалигидан аниқ фанларга қизиқди, ота-онаси каби олим бўлишни орзу қилди. Бугун у техника фанлари доктори, Мирзойя Комилов раҳбарлигида "Телевизион дастурларнинг медиа контентини ихчамлаштириш самарали тизимлари, сифатни баҳолаш ва такомиллаштириш" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида турибди.

— Дунёдаги кўп мамлакатлар аналог телевидениедан воз кечиб, рақамли форматга ўтмоқда, — дейди Ҳабибулло Носиров. — Бизда мазкур жараённи жорий йилда ниҳоясига етказиш кўзда тутилган. Тўғри, рақамли телевидениенинг имконияти кенг, товуш ва тасвир ўта тиниқ узатилади, қолаверса, кўрсатувларнинг онлайн тарзда, ҳатто мобил телефон орқали бемалол томоша қилиш мумкин. Лекин буларнинг ҳаммасини бекаму кўст амалга ошириш учун улкан технология база керак. Бугун мамлакатимиз ҳудудида элик телеканал ўз медиа маҳсулотларини рақамли форматда эфирга узатмоқда. Салмоқ бундан кейин яна ортиши турган гап. Аммо тинимиз энгиланаётган медиаконтентни қаердадир сақлаш керак-ку?!

Аудио ва видеосигнал истеъмолчига беникусроқ етиб боришни таъминлаш ҳам ғоят муҳим масала. Бошқа томондан рақамли телекўрсатувларни тор поласали алоқа каналлари, айтайлик, мобил телефон орқали намойиш этиш учун улкан ҳажмдаги ахборотни ихчамлаштириш талаб этилади. Илмий изланишлар давомида учта муаммони ҳал этишга киришиб, телевизион кўрсатувлар медиаконтентини ихчамлаштириш, сифатини баҳолаш ва такомиллаштиришга қаратилган самарали тизим яратдим...

Ёш олимнинг тадқиқот ишини муваффақиятли бажаришига амалиётда олган билимлари қўл келди. Магистратура таҳсилни тавомолагач, у бир мuddат Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Медиа марказида фаолият кўрсатди. Компьютер графикаси бўйида тажриба орттирди.

— Ҳадемай докторлик диссертациямни

ҳимоя қиламан, бунинг учун илмий мақолаларим талай, — дейди Ҳабибулло. — "Ёш олимлар кенгаши"га аъзолик илм-фанда ўз йўлимни топишимда катта ёрдам берди. Академик ва профессор олимлар билан доимий суҳбатда бўлаимиз. Тажрибасини ўрганиб, маслаҳат сўраймиз. Бугун ахборот-коммуникация технологиялари интеграциялашмаган соҳа қолмади ҳисоб. Келгусида мазкур жараён фақат жадаллашади. Айни жабҳадаги янги илмий ғоя-ю маҳсулотларни қайси мамлакат биричилик қаторида тақдим этса, яратса, улоқ унда кетди, деяверинг. Орзум Ўзбекистонимизни ана шундай қудратли давлатлар қаторида кўриш.

— Президентимизнинг шу йил 15 мартдаги "Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан университетда замонавий технологияларга асосланган илм-фан муҳитини яратиш, ёш олимларнинг истиқболли илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш ва амалиётда жорий этишга алоҳида уруғ берилган, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университети "Ёш олимлар кенгаши" раиси, техника фанлари доктори Бахтиёр Раҳимов.

— Натижа узоқ куттирмади: бугун кенгашимизга элик ёш олим аъзо. Лекин бу таркибнинг ярми ҳолос. Қолган қисмини академиклар ҳамда ўз илмий мактабига эга етук профессорлар ташкил қилмоқда. Бу, айниқса, Ҳабибуллодек ёш олимлар, илм-фан йўлида энди қадам қўяётган талаба учун ниҳоятда катта имконият. Академиклар сабоғини олиш ҳар қандай тадқиқотчининг илмий-маънавий юксалишида бекиёс имкониятлар эшигини очади.

Ҳа, замонавий билим ва касб-хунарларни пухта ўзлаштирган, кенг ва муқтадлик фикрлайдиган, юксак интеллектуал салоҳиятга эга ёшлар Ватанимиз келажаги, халқимиз орзу қилган эртанги порлоқ кунимиз калитидир. Ҳабибуллодек изланувчан ва тиршиққо ёшларга яратилаётган шароитлар ва кўрсатилаётган эътибор юртимизнинг янада гуллаб-яшнашида муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Нашр

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ — АСОСИЙ МАВЗУ

"Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2017 йилдаги илк сони нашрдан чиқди.

Журналининг "Халқ билан мулоқот — инсон манфаатларини таъминлашнинг асосий мезони" мақоласида мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган янгилаш ва ўзгаришлар, қабул қилинаётган муҳим қонун ҳужжатлари, фармон ва қарорлар мазмун-моҳияти ҳақида сўз боради.

"Харакатлар стратегияси: мамлакатимиз тарраққиётининг беш йилга мўлжалланган устувор йўналишлари белгилаб берилди" мавзусидаги давра суҳбатида ушбу муҳим дастурий ҳужжатнинг туб мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар ўз ифодасини топган. "Харакатлар стратегияси Ўзбекистон тарраққиёти йўлида амалга оширилаётган ислохотларнинг сифат жиҳатидан — янги ва жушқин, қўлам жиҳатидан — кенг ва қамровдор, халқимиз манфаатларини таъминлаш бўйича эса бекиёс даражада барақдорликни бошлаб бермоқда", дейилади давра суҳбатида.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, юридик фанлар доктори, профессор Акмал Саидовнинг "БМТ ва Ўзбекистон: самарали халқаро ҳамкорлик, юксак ишонч ва эътироф, ёруғ истиқбол" мақоласида Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкиоти ва унинг ихтисослашган муассасалари билан чорак асрлик самарали ҳамкорлиги, жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий тарраққиёт, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз боради.

Журналининг янги сонидан ўрин олган "Шарқона маданият ва ҳуқуқий қадриятлар", "Маданият кўринишида тарғиб қилинаётган "оммавий маданият" таҳдиди" мақолаларида юртимиз бой тарихи ҳақида сўз юритилади, энди ривожланаётган ёш давлатларни ўз йўлидан тойдиришга қаратилган махсус кучлар, "оммавий маданият"нинг турли кўринишлари, мафкуравий таҳдидлардан ҳушёр бўлишга, оғоҳликка ундайди.

Ушбу сондаги бугуннинг долзарб мавзуларига бағишланган бошқа мақолалар ҳам ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Ўз мухбиримиз



МММда

ЁШ КИТОБХОНЛАР УЧУН ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси "Китобсиз келажақ йўқ" мавзусида матбуот анжумани ўтказди.

Компания бош муҳаррири Ахрор Аҳмедов ва бошқалар халқимиз, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий аҳамиятга эга китобларни ўқувчилар талаби ва эҳтиёжи бўйича кўп ададда, арзон нархларда чоп этиш, оммага етказиш ҳамда китоб савдосидаги ишларни муайян тизимга солиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар амалий самаралар бераётганини таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борада дастуриламал бўлмоқда.

— Китобхонларга бугунги кун талаби даражасида мазмунли ва сифатли китоблар етказиб бериш нашриётимизнинг асосий мақсадидир, — дейди бош муҳаррир ўринбосари Носиржон Жўраев. — Ўтган йили икки юзга яқин номдаги китобларни нашр этдик. Хусусан илк маротаба Алишер Навоийнинг икки томлик "Қомусий дугати", Муҳаммад Юсуфнинг 60 йиллик юбилейига

сайланмаси янги дизайнда, Чингиз Айтматовнинг барча қиссаси битта китоб ҳолида чоп этилгани ўқувчиларга муносиб тухфа бўлди, деб ўйлаймиз.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бугун ёш китобхонлар учун янги лойиҳаларни амалга оширмоқда. Нашриёт босма маҳсулотларининг 30 фоиздан ортигини болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган дарслик ва китоблар ташкил этади. Хусусан, Алишер Навоийнинг "Хамса"си содда тилда нашр этилди. Ўқув дафтарлари муқоваси миллий қадриятларимиз, буюк алломалар сиймоси акс этган тасвирлар билан бойитилди.

— Нашрлар сифатини янада яхшилаш мақсадида Ҳиндистондан замонавий чоп этиш дастгоҳи олиб келинди, — дейди компания цех бошлиғи Абдурауф Ваҳобов. — Бу янги дастгоҳ бир сменада 100 минг дона дафтар ишлаб чиқариш қувватига эга. Унинг ёрдамида 2017-2018 ўқув йили учун 30 миллион дона янги турдаги ўқув дафталари етказиб берилади.

Тадбирда китобхон ва китобхонлик маданиятини ошириш масалалари, янги китоблар нашри, уларни оммага етказиш, китоб савдосини ташкил этиш, бу борадаги келгуси режалар юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

Диляфуза ТОШТЕМИРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

МЕВА-САБЗАВОТ ЭКСПОРТИ ЯНАДА ОШАДИ

"Ўзбекизоқовқатхолдинг" компанияси тизимида 200 дан ортиқ маҳаллий ва 20 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили амалга оширилган 420 миллион долларлик лойиҳалар эъзизга қарийб 4,5 минг иш ўрни яратилди.

Бу ҳақида Миллий матбуот марказида холдинг компанияси томонидан ўтказилган матбуот анжуманида маълумот берилди. Таъкидланишича, ҳудудларда мева-сабзавотларни сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича савдо-логистика марказлари барпо этилмоқда. Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида савдо-логистика марказлари ишга туширилди. Келгусида Ангор, Тўрақўрғон, Жиззах, Булунгур, Богот туманларида логистика марказлари ташкил этиш чоралари кўриляпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги

ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга ихтисослаштирилган "Ўзагроэкспорт" ташки савдо компанияси жорий йилнинг биринчи чораги натижаларига кўра, 101,8 минг тонна мева-сабзавотни экспортга чиқарди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,7 минг тонна кўп демак.

Анжуманда рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда соҳага замонавий технологияларни татбиқ этишга устувор вазифа сифатида қаралаётгани қайд этилиб, компания тизимидаги корхоналарда эскирган ускуналарни замонавийларга босқичма-босқич алмаштириш ишлари олиб борилаётгани маълум қилинди.

Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олди.

Т. АЪЗАМОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Брифинг

ЭСКИ ГАРАЖЛАР ЎРНИГА ЗАМОНАВИЙ АВТОТУРАРГОҲЛАР ҚУРИЛАДИ

Пойтахтимизда шаҳарсозлик қоидалари ва санитар меъёрлари талабларига жавоб бермайдиган гаражлар бузилиб, уларнинг ўрнига замонавий кўп қаватли ҳамда кичик очиқ турдаги автотураргоҳлар қурилиши режалаштирилган.

Бу ҳақида 15 апрелда Тошкент шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган навбатдаги брифингда маълум қилинди. Таъкидланишича, пойтахтимизда сўнги уч йилда автомо-биллар сони қарийб 20 фоизга ортган. Бу, ўз навбатида, қулай ва замонавий автотураргоҳларга эҳтиёжни янада оширмоқда.



Тадбирда пойтахтимиздаги мавжуд шаҳарсозлик, санитария, ёнғин ва аҳоли хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган темир-бетон гаражлар кўп қаватли турар-жой биноларининг ички қисмида жойлашгани туфайли ундан бошқа мақсадларда ҳам фойдаланилаётгани қайд этилди. Улар атрофида манший чиқиндилар тўпланиши, турли жиноятлар содир этилиши ҳолатлари кўпайган. Шунингдек, бу тез тиббий ёрдам ва ёнғин хавфсизлиги махсус автототранспорт воситаларининг белгиланган манзилга етиб келишида ҳам нуқулаллик туғдирмоқда.

Автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойлари етишмаслиги туфайли уларни белгиланмаган жойлар, яъни турар-жой маззелари ичида, кўп қаватли турар-жойлар олдига қолдириш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бу эса турли жиноятлар содир бўлишига сабаб бўляпти. Шаҳар ҳудудида жойлашган тўйхона ҳамда савдо ва манший хизмат кўрсатиш мажмуаларининг айримларида автотураргоҳлар етарлича бўлмагани учун фуқаролар ўз уловларини йўлнинг чекка қисмига ва белгиланмаган жойларда қолдирмоқда. Оқибатда, йўлларда тирбандликлар вужудга келмоқда.

Айни пайтда пойтахтимиздаги темир-бетон гаражлар 25 гектардан ортиқ ермайдонини эгаллаган. Уларда атиги 8 мингдан кўпроқ автомобиллари жойлаштириш мумкин. Янги, замонавий автотураргоҳлар бу муаммоларни бартараф этади. Чунки замонавий автотураргоҳларнинг 2 қаватлиси 80, уч қаватлиси 144, 6 қаватлиси 480-532 дона автотуловни ўз бағрига сиғдира олади. Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимининг махсус қарори лойиҳаси тайёрланган бўлиб, у аҳоли муҳокамаси учун www.gov.uz сайтига жойлаштирилган.

Диляфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Олим билан учрашу

Жамият ва мамлакатнинг тараққий этиши, юқори суръатларда ривожланишини илм-фансиз тасаввур этиб бўлмайди. Илм-фан — башариятнинг бугуни ва келажagini белгилайди...

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Яхё Фуломов номидаги Археология институтининг директори, тарих фанлари доктори Амриддин Бердимуродов билан учрашув бўлиб ўтди...

ларнинг Жартена ибодатхонаси каби Сўғдининг қадимги ёдгорликлариди қазилма ишлари олиб борилди, илк ўрта асрлар моддий ва маънавий ҳаётига оид қатор янги маълумотлар кўлга киритилди...

Партия фаоли, таниқли қадимшунос олим Амриддин Бердимуродов 2000 йилдан буён Ўзбекистон-Ита-

лия, 2005 йилдан Ўзбекистон-Япония ҳалқаро археологик экспедициясига раҳбарлик қилади. Унинг раҳбарлигида Буюк ипак йўлида жойлашган йирик шаҳар марказлари Дабусия ва Кофирқалъа ёдгорликларини тадқиқ этиш жараёнида кўлга киритилган натижалар Сўғд ва ўрта асрлар Мовароуннаҳр тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш имконини бермоқда...

ва дипломатик маҳорати, ушбу даврга оид янги тадқиқотлар хусусида сўз юритилди. Соҳибқирон нафақат буюк давлат арбоби, маданият, адабиёт ҳамда меъморчиликнинг ҳомийси сифатида қайд этилди.

— Олим археологик тадқиқотлар билан бирга Амир Темур ва теурийлар тарихи, Мирзо Улуғбек ҳукмронлиги даврида Самарқандда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, илм-фан, санъат ва маданият ҳақида ҳам изланишлар олиб борган, асарлар ёзган, — деди халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Нафас Эшқобилов. — Археолог олим 1993 йилдан Парижда жойлашган Теурийлар тарихи ва маданиятини ўрганувчилар ассоциацияси вице-президенти сифатида фаолият юритиб келмоқда...

Тадбирда таъкидланганидек, юртимиздаги моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраш, консервациялаш, қайта тиклаш, тадқиқ этиш ва тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда қадимшунос олим Амриддин Бердимуродов ҳам илмий изланишлари, тадқиқотлари ва асарлари билан муносиб ҳисса қўшаётди...

навқирон авлод вакиллари, партиямиз ёшлари учун чинакам ўрнак ва намунадир. Чунки ЎзМТДП сайловолида Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашиш, ўзбек халқининг шонли тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни камол топиб келатган ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ

анъаналарига чуқур меҳр-хурмат, эҳтиром уйғотиш устувор вазифа этиб белгиланган. — Қадим тарихимиздан гувоҳлик берувчи минглаб экспонатлар сақланган музейда археолог олим билан кечган самимий мулоқот менда катта тассурот қолдирди, — дейди Самарқанд давлат университети талабаси Алишер Қаҳқоров. — Учрашув ниҳоятда мазмунли ўтди, қимматли маълумотларга бой бўлди. Айниқса, олимнинг тарих, этнография, география, геология, демография каби фанларга оид янги ва қизиқарли маълумотлари соҳага доир билимларимизни янада бойитди, биз ёшларда аждодларимиз тарихини чуқур ўрганиш, улардан мерос осори-атиқаларни кўз қорачигидек асраш, кенг тарғиб қилиш ва фахрланиш ҳис-туйғуларини уйғотди...

Тадбирда олим ижодининг ўзига хос хусусиятлари, археология фанидаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди. Ёшларнинг замонавий билимларни эгаллаши, келгусида ўз қизиқишларига мос соҳани танаб, эл-юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб вояга етиши, жамиятда муносиб ўрнини топишда устозларнинг билими, тажрибаси, маҳорати ва жонқуярлиги муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Халқ банки ОРИФ ХОЛИҚУЛОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

ДЕНОВДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Денов туманида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, туман ҳокимлиги ва Республика Маънавият тарбияот маркази Сурхондарё вилояти бўлими ҳамкорлигида "Адабиёт кунлари" ўтказилди.

Анжуманнинг очилишида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, адабиётшунос олим, академик Б.Назаров, "Шарқ юлдузи" журнали бош муҳаррири С.Раупов ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, китобхоналик маданиятини юксалтириш орқали маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхоналик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойиши бу борадаги ишларни янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжат ижроси доирасида ташкил этилган анжуманда таниқли шоир-ёзувчилар, адабиётшунос олимлар таълим муассасаларида, маҳаллаларда ўқувчилар, ёш ижодкорлар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан қизиқарли учрашувлар, мушоиралар ўтказди.

— Тадбир давомида адабиёт ихлосмандлари, хусусан, ёшлар таниқли шоир ва ёзувчилар, олимлар билан суҳбат қилиш, уларнинг китоб ва мутолаанинг фойдалари ҳақидаги фикрларидан баҳраманд бўлиш, ижодий маҳорат сирлари билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлди, — дейди Республика Маънавият тарғибот

маркази вилоят бўлими раҳбари Ф.Шарипов. — Ўзбек адиблари асарлари кўргазмаси билан яқиндан танишди.

Туманнинг Водий маҳалласидаги "Фаргона маданият ва аҳоли дам олиш маскани" да бўлиб ўтган тадбирда адабиётнинг инсон камолотида тутган ўрни, миллат маънавиятини шакллантириш ва жамият тараққийотида аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Миллий адабиётимизнинг бугунги ривож ва эртанги истиқболи йўлида амалга оширилаётган ишлар янги-янги номлар кашф этилишига хизмат қилаётгани, уларнинг ранг-баранг ижоди намуналари халқимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олаётгани хусусида фикр алмашилди.

Раёно Узоқова номидаги Денов педагогика коллежи жамоаси билан учрашувда пойтахтдан келган ижодкорлар ўзлари билан олиб келган 300 та бадиий китобни совға қилди.

— Бадиий адабиётта меҳр мени кичик ҳикоялар ёзишга ундади, — дейди ёш ижодкор Шаҳноза Эшмурзаева. — Коллежда ўқиб юрган давримда уларнинг айримлари вақтли матбуотда эълон қилинди. "Осмон бир дунё" номли илк китобим нашр этилди. Бугунги учрашув пойтахтдан олисда истиқомат қилаётган адабиёт ихлосмандлари, айниқса, биз, ёшларда катта таассурот қолдирди. Машҳур ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар билан юзма-юз мулоқот қилиш, қизиқтирган саволларга уларнинг ўзиндан жавоб олишнинг гашти бўлақча. Янги чоп этилган асарлар билан танишиш, таниқли адибларнинг янги ижод намуналаридан тингладим. Ёш ижодкорларга яратилаётган қулайликлар ҳақида маълумотларга эга бўлдик.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА

Кўргазма

"Ўзкўргазмасавдо" марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмиталари, Ўзбекистон Банклар, Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлар ассоциациялари ҳамда тижорат банклари қўмағида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари — "BankEXPO — 2017" X миллий кўргазмасини ташкил этди.

"Халқни тадбиркор қилиш" шiori остида ўтказилган навбатдаги кўргазмада мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари, кредит ташкилотлари, етакчи сурғурта, лизинг, ахборот технологиялари компаниялари тақлиф этаётган маҳсулот ва хизмат турлари намойиш этилди.

Мамлакатимизда банк тизимини ислох этиш ва эркинлаштириш, миқозлар учун янги хизмат турларини жорий этиш, соҳага замонавий информацион технологияларни тадқиқ қилиш иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланишига хизмат қилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

2016 йилда банк муассасалари кичик бизнес субъектларига қарийб 16 триллион сўм миқдорда кредитлар ажратди, бунда микрокредитларнинг улуши 3,3 триллион сўмни ташкил этди. Ёш оиналар, тадбиркор аёллар, коллеж битирувчилари, оилавий бизнес ва хунармандликни кўлаб-қувватлашга 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2016 йилда тижорат банкларининг умумий капиталы 2015 йилга нисбатан 1,2 баробардан зиёдга кўпайиб, 9,4 триллион сўмдан ошди.

"Қишлоқ қурилай банк" акциядорлик тижорат банки стенди кўргазма иштирокчилари билан гавжум. Банк мутахассислари молия институтининг мавжуд имкониятлари ҳақида маълумот бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётининг барча иштирокчиси билан ҳамкорликка интилаётган ва кенг турдаги хизматлар тақлиф этаётган мазкур молия муассасаси мулкчилик шакли ва фаолиятдан қатъи назар, барча хўжалик субъектлари, аҳоли ижтимоий қатламларига банк хизмати кўрсатишни мақсад қилган. Кўргазмада банк намунавий уй-жойларни молиялаштириш учун ажратилаётган имтиёзли ипотека

кредитлари, пластик карточкалар, аёллар ва оилавий тадбиркорликни кўлаб-қувватлаш, омонатлар бўйича хизматларни намойиш этиб, жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш учун мўлжалланган Android платформаси асосида ишлайдиган мобил қурилмалар учун замонавий "QQB Mobile" дастури тақлиф этмоқда.

— Мазкур тизим орқали уяли ва шаҳар телефони, Интернет провайдер ва рақамли телевидение, коммунал тўловлар, истеъмол ва ипотека кредитлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин, — дейди пластик карточкалар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи Олим Муталов. — Ҳисобрақамлар ҳолатини кўриш ва тўлдирish, пластик карточка қолдиқлари ва унинг айланмалари бўйича маълумотлар олиш, банк тизими ичида маблағларни бир пластик карточкадан бошқасига ўтказиш, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати жарима тўловларини амалга ошириш каби имкониятлар яратилган. Бундан ташқари, миқозлар "Депозит банкинг" мобил дастури ёрдамида ўз депозит ҳисобрақамларидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни банкка келмасдан, шахсий мобил телефонлари орқали бажариши мумкин. Бунда миқозлар дастурдан хавфсиз фойдаланишлари учун махсус логин ва пароллар билан таъминланади.

Бугун "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг 85 филиали ва 78 минибанки 405 мингдан зиёд банк миқозларига хизмат кўрсатяпти. Сўнги йилларда бозор ставкалари бўйича турли депозитлар жорий этилди, пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб тизими ривожланмоқда. "Fitch Ratings" агентлиги 2016 йилнинг ноябрь ойида банкнинг кредитга лаёқатлилик рейтингини "B+", "Барқарор" деб баҳолади.

Банк ўз тадбиркорлигини амалга оширишда кредит маблағларига эҳтиёжи мавжуд бўлган ва тегишли ҳужжатларни тақдим этган 10 минг 401 фуқарога 71 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратди. Бунинг натижасида қўшимча 11 минг 120 га яқин янги иш ўрни яратилди. Банкнинг молиявий кўлаб-қувватлаши

БАНК — ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

билан 57 қуёнчилик агрофирмаси ташкил этилди, Италиядан гўштга боқиладиган 1 минг 500 зотдор қуён келтирилди. Бугун уларнинг сони 15 мингдан ошди.

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рағнақига алоҳида эътибор қаратилиб, зарур шарт-шароитлар яратилаётгани биз каби тадбиркорларга катта имкониятлар эшигини очмоқда, — дейди "Хон қуён" агрофирмаси раҳбари Улуғбек Раҳбаров. — Биз ҳам ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, 2016 йилда агрофирма туздик. Халқимиз дастурхонига парҳеззоб, сифатли ва арзон гўшт маҳсулотларини етказиб беришни мақсад қилганмиз. Бунда бизга "Микрокредитбанк" катта молиявий кўмак берди. Айни пайтда банкдан берилган 140 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига хориждан 208 бош зотдор қуён олиб келдик. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 3 мингдан ошди. Қисқа вақтда аҳолига минг бош зотдор қуён сотдик.

Бугунги кўргазмада банк ўтказган "Энг яхши инновацион лойиҳа" номинациясида голиб бўлганмиш зиммамизга янада катта маъсулият юклайди. Келгусида янги лойиҳа ва режаларни тузишга ундайди. Дониий ҳамкоримиз "Микрокредитбанк" билан алоқамизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "BankEXPO" кўргазмасида Халқ банки доимий равишда фаол қатнашиб, иштирокчилар ва ташкилотчиларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда. Хусусан, бу йилги кўргазмада ҳам Халқ банки ўзининг банк хизматлари акс этган стендлари, тарқатма материаллари, буклет ва флаерлари, малакали мутахассислари билан иштирок этди. Замонавий дизайн асосида тайёрланган Халқ банки стенди ҳам кўргазма қатнашчиларида яхши таассурот қолдирди. Ташири буюрган меҳмонларга банк мутахассислари замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда интерфаол хизмат турларининг мавжуд имкониятлари ҳақида сўзлаб бердилар. "Мобил банкинг", "SMS-хабарнома", "Интернет банкинг", "Бармоқ изи" каби банк хизматлари кўпчиликка манзур бўлмоқда.

— Ҳар бир миқоз, аббатга, энг замонавий



хизмат турларидан фойдаланишни истади, — дейди Халқ банки Жамғарма операциялар ва мини-банклар департаменти бўлим бошлиғи Абдулазиз Меҳмоноов. — Янги биометрик технологиялар асосида миқозларнинг "Бармоқ изи" лойиҳаси бўйича шахсни идентификация қилиш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар йўқолган ҳолатларда миқозлар шахсини тасдиқлаш мақсадида тезкор, ишончли ва кам вақт олувчи тизим яратилди. Ушбу тизимда омонатчиларга омонат ҳисобварақлар очиш чоғида керак бўладиган операцияларни фақат миқознинг иштирокида амалга оширилишини таъминлаш учун махсус ридер ускунаси асосида уларнинг бармоқ изларидан намуна олинади. Бу тизимнинг афзаллиги — омонатчининг иштирокисиз ҳеч қандай операцияларни (фоизлар ҳисобла-нишидан ташқари) амалга ошириб бўлмайди. Бундан ташқари, миқознинг бармоқ изини сканер қилиш учун атипти бир неча сония кифоя.

Яна бир янгилик: Ҳақ банки миқозлари тўловларни тез ва сифатли амалга оширишлари мумкин. Нафақат шаҳар ва туман марказларида, балки чекка қишлоқ ва маҳаллаларда ҳам банк филиаллари, махсус кассалар, жамғарма ва сайёр кассалар ташкил этилиб, замонавий технологиялар воситасида аҳоли талаблари бўйича хизмат кўрсатиш

йўлга қўйилди. Банк ходимлари ўша ҳудудларга бориб, аҳолидан нақд пул ва тўлов терминалларида қабул қилинган тўловларни планшетларга ўрнатилган махсус дастур орқали онлайн тизимда корхоналарнинг ҳисоб рақамларига ўтказмоқда.

"BankEXPO — 2017" X миллий кўргазмаси доирасида тижорат банклар турли йўналишлар бўйича танловлар ўтказди. Жумладан, "Энг яхши тадбиркор аёл", "Диплом билан бизнесга", "Энг яхши чорвачилик фермер хўжалиғи", "Энг яхши озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш", "Энг ёш тадбиркор", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши банк миқозни", "Маҳалладаги энг фаол тадбиркор", "Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор" каби номинациялар бўйича энг муносиблар танлаб олинди, голиблар имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Кўргазмада тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, соҳага татбиқ қилинаётган имтиёз ва преференциялар, тадбиркорликнинг янги турларига бағишланган давра сурҳати, семинар, тақдимот ва учрашувлар ўтказилди.

Эркин ДОРИПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

Бизнинг шарҳ

БОЛГАРИЯ ПАРЛАМЕНТИ

БИР ПАЛАТАЛИ БЎЛИБ, УНДА ТЎРТ ЙИЛ МУДДАТГА САЙЛАНАДИГАН 240 ДЕПУТАТ ФАОЛИЯТ ЮРИТАДИ

Болгария Республикаси — Европанинг жануби, Болқон ярим оролининг шарқий қисмида жойлашган. Жанубдан Греция ҳамда Туркия, ғарбдан Сербия ва Македония, шимолдан Руминия билан чегарадош. Шарқда Қора денгиз билан ўралган. Майдони — 110 минг 993 квадрат километр. Аҳолиси — 7,2 миллион. Давлат тили — болгар. Пойтахти — София шаҳри. Мазҳабий жиҳатдан 28 вилоятга, улар ўз навбатида, 264 ҳудудга бўлинади. Шу йилнинг Январидан эътиборан Европа Иттифоқининг аъзоси.



Вазирлар кенгаши ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Халқ мажлиси ўз таркибидан доимий ҳамда муваққат комиссияларни сайлайди. Доимий комиссиялар парламент фаолиятига кўмаклашади, унинг номидан парламент назоратини амалга оширади. Муваққат комиссиялар алоҳида масалаларни тадқиқ этиш мақсадида тузилади.

Парламент мажлислари очик-ошкора тарзда ўтказилади. Бироқ парламент ёпиқ мажлислар ўтказиш юзасидан ҳам қарор қабул қилиши мумкин. Қонун қабул қилиниши учун парламент мажлисида депутатларнинг ярмидан кўпи ҳозир бўлиши шарт. Қонун ёки бошқа ҳужжатлар парламентда ҳозир бўлган депутатларнинг ярмидан кўпчилиги овози билан таъдиқланганидан сўнг қабул қилинган ҳисобланади. Вазирлар кенгаши аъзолари парламент ҳамда унинг комиссиялари мажлисларида иштироки ёки парламент талаби билан иштирок этиши мумкин.

Халқ мажлиси қонунларни қабул қилади, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади, солиқларни жорий этади, унинг миқдорини

белгилайди, Президент сайловини тайинлайди, референдум ўтказиш юзасидан қарор қабул қилади, Бош вазирни сайлайди ва вазифасидан озод этади, унинг таълифи билан ҳукумат таркибига ўзгартиш киритади, вазирликларни тузади, бекор қилади. Бундан ташқари, парламент Болгария халқ банки бошқарувчисини сайлаш ва лавозимидан озод этиш, умумий авф (амнистия) эълон қилиш, медал ва орденларни таъсис этиш каби ваколатларга эга. Парламент давлат бюджети ижросини назорат қилиш мақсадида Ҳисоб палатаси аъзоларини сайлайди.

Парламентнинг ҳар бир депутати ҳамда Вазирлар кенгаши қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Давлат бюджети ҳақидаги қонун Вазирлар кенгаши томонидан ишлаб чиқилиб, парламентга тақдим этилади. Қонунлар икки ўқишда алоҳида-алоҳида мажлисларда кўриб чиқилиб, қабул қилинади. Баъзан қонун парламент қарори билан, истисно тариқасида биринчи ўқиш ва биринчи мажлисда ҳам қабул қилиниши мумкин. Президент тақдим этилган қонунни ўз эътирозлари билан парламентга қайтаришга ҳақли. Қайтган қонунни Халқ мажлисида депутатларнинг ярмидан кўпи қайта маъқулласа, Президент уни етти кун ичида имзолаб, эълон қилади. Қабул қилинган қонун мамлакатнинг расмий газетасида эълон қилиниши билан кучга киради.

Парламент таркибининг бешдан бир қисми ташаббуси билан Вазирлар кенгашига ишонсизлик юзасидан овоз бериш жараёни ўтказилиши мумкин. Депутатларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда таълиф қабул

қилинган ҳисобланади. Яъни, агар Халқ мажлиси Бош вазир ёки Вазирлар кенгашига ишонсизлик билдирганда ҳукумат бутун таркиби билан истеъфого чиқади. Борди-ю парламент Вазирлар кенгашига нисбатан ишонсизликни рад этса, бу масала олти ой ичида қайта кiritилиши мумкин эмас.

Парламент депутатларининг тўртдан бир қисми ҳамда Президент Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таълифини илгари суриш ваколатига эга. Парламент депутатларининг тўртдан уч қисми овоз берган тақдирда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилинган ҳисобланади. Борди-ю таълиф депутатларнинг учдан икки қисми овозини тўплай олса, у беш ойдан кечиктирилмай қайта кўриб чиқилиши мумкин. Таълифни иккинчи марта кўриб чиқиш жараёнида депутатларнинг учдан икки қисми уни маъқуллаб овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади.

Жорий йилнинг 26 март куни мамлакатда навбатдан ташқари парламент сайлови бўлиб ўтди. Сиёсий жараёнда 3 миллион 682 минг фуқаро иштирок этиб, ўзининг конституциявий ҳуқуқидан фойдаланди. Сайловда "Фуқаролар Болгариянинг европача тараққиёти тарафдори" (ГЕРБ) партияси сайловчиларнинг 32,65 фоиз овозини қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Болгария социалистик партияси (БСП) учун 27,19, "Бирлашган ватанпарварлар" коалицияси учун эса 9,07 фоиз сайловчи овоз берди. Қолган сиёсий партиялар сайловда нисбатан кам овоз олди. Шу тариқа ГЕРБ партияси парламентда — 95, БСП — 80, "Бирлашган ватанпарварлар" коалицияси эса 27 мандатга эга бўлди.

Парламент сайловида 11 сиёсий партия, 9 коалиция ҳамда 9 нафар мустақил номзод иштирок этди.

Рангин дунё

Ролан Гаррос ўз даврининг нафақат таниқли учувчиси, авиация соҳаси билимдони, балки моҳир теннисчи ва унинг тарбияotchиси бўлган. Шу боис Франция очик чемпионати мусобақаси ҳамда муҳташам теннис корти унинг номи билан аталади. Бундан ташқари, "Катта дубулга" туркумига кирувчи пуффули теннис мусобақаси — Франция очик чемпионати тарихи ҳамда Ролан Гарроснинг ҳаёти ва фаолияти билан таништирувчи музей ҳам ташкил этилган. Франция теннис федерацияси музей ёки "Ролан Гаррос" галереяси деб номланган муассаса Франция очик чемпионати мусобақаси ўтказиладиган теннис корти ёнида, мўъжазгина ишюотда жойлашган.

ТЕННИС МУЗЕЙИ

ЁХУД "РОЛАН ГАРРОС ГАЛЕРЕЯСИ"ГА САЁХАТ

"Ролан Гаррос галереяси"нинг кириш қисмида Франция очик чемпионати мусобақасида ғалаба қозонган барча теннисчининг сурати қўйилган. Галереядаги, айниқса, турли даврга тегишли теннис ракеткалари ҳеч кимни безътибор қолдирмайди.

Музейда 1978 йилга оид теннис жихозлари тўплами ҳам ўрин олган бўлиб, у ёғочдан ишланган

лик теннис юдузи Штеффи Граф кийган спорт либоси ҳамда АҚШлик машҳур теннисчи Андре Агасси томонидан 1999 йилги мусобақада ўйналган ракетка ҳам музей экспозициясини безаб турибди.

Музейда Франция терма жамоасининг "Экип" газетасида Девис кубогига ғалаба қозонган қувончли лаҳзалар акс этган суратлари музей коллекциясини бойитган. Турли



сандик, тўрт ракетка, бир неча тўпдан иборат. Ўша даврдаги теннис кортининг макети ҳам музей экспозициясидан жой олган. 1825 йилда ишлаб чиқарилган ракетка музейнинг қадимий ва ноҳир экспонатларидан саналади. У теннис ўйини ажодди — жё-де-пом ўйинида қўлланилган. Шунингдек, музейдан 1895 йилда фойдаланилган ёғоч ракетка, ўтган асрнинг 60-йилларида ишлаб чиқарилган "Данлоп", 70-йилларга оид "Вилсон" ракеткалари ҳам жой олган. XIX асрдан то бугунги кунга қадар бўлган давр оралиғидаги мусобақаларда қўлланилган теннис тўплари ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотади. Улар орасида 2012 йилда "Ролан Гаррос мусобақаси" учун махсус ишлаб чиқарилган ҳамда болаларга мўъжазланган ҳамма бироз каттароқ теннис тўпи ҳам бор. Экспозициядан ўрин олган оқ тўплар ўтган асрнинг 80-йилларида урф бўлган. Бугун теннис мусобақаларида асосан сарик рангли коптоклардан фойдаланилмоқда.

Пойабзаллар бўлимида ўтган асрнинг 30-йилларида кийилган оёқ кийимлари сақланади. Қолаверса, 80-йилларда америкалик теннисчи Стэнли Роджер Смит кийган кроссовка, франциялик теннис юдузи Жо-Вильфрид Тсонгага тегишли оёқ кийими ўрин олган. Германия-

даврга тегишли олимпия медаллари, Франция очик чемпионати кубоги, "Ролан Гаррос мусобақаси" плакатлари музейнинг диққатга сазовор коллекцияларидан саналади.

Спортчи ҳамда учувчи Ролан Гаррос 1888 йилда Францияда таваллауд тошган. У учувчиликдан ташқари регби жамоасида ўйнайди, теннис билан фаол шугулланади, самолётлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этади. Музейда Ролан Гаррос ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус шўъба бор. Унда 1909 йилда Шампанда ўтказилган авиация эълони акс этган сурат, 1913 йилда Ролан парвоз қилган "Моран-Сонбе" моноплани ўрин олган. Ролан мазкур монопланда Ўрта Ер денгизи устидан ҳеч қаерда тўхтамай учиб ўтган илк учувчига айланган. Франциянинг жанубий қисмида монопланда осмонга кўтарилган Ролан Гаррос Тунисгача бўлган тахминан 800 километри масофани 8 соатда учиб ўтган. Моноплан ерга қўнганида унинг бақида бор-йўғи 5 литр ёнилғи қолгани аниқланади...

Муҳтасар айтганда, гарчи музей у қадар катта бўлмаса-да, лекин ундан ўрин олган теннис ҳамда учувчи Ролан Гаррос ҳаёти ва фаолиятига оид экспонатлар галереяга ташриф буюрувчи ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмайди.



ЙИРИК МУЗЛИҚДАГИ ЯНГИ ЁРИҚ

Гренландия оролининг энг йирик музликларидан бири — Петерманнда ёриқ пайдо бўлди, дея хабар тарқатган "Washington Post" нашри.

Олимларнинг фикрича, бу ёриқ Петерманндан катта "муз ороли"нинг ажралиши ва кейинроқ денгиз сатҳининг кўтарилишига олиб келиши мумкин. Ёриқ акс этган сурат



Америка космик агентлиги (NASA) томонидан "Operation IceBridge" — Арктика музликларининг ҳолатини кузатишга қаратилган дастур доирасида олинди. Ёриққа биринчи бўлиб коинотдан олинган музлик суратларини ўрганаётган нидерландиялик олим эътибор қаратди. Ёриқ нима сабабдан ҳосил бўлгани ҳозирча номаълум.

Янги ёриқ музлик ўртасида пайдо бўлган каттароқ ёриқ ёнида вужудга келган. Агар бу икки ёриқ бирлашса, ундан йирик муз бўлаги ажралиб чиқиши мумкин.

2010-2012 йилларда ҳам бу музликдан "муз орол"лари ажралган эди. Улардан бирининг майдони 250 квадрат километрдан зиёд бўлган. Дания ва Гренландия геология хизматлари ходими Жейсон

Бокснинг фикрича, борди-ю янги муз бўлаги ажралиб чиқса, унинг майдони тахминан 130-180 квадрат километрни ташкил этиши мумкин.

ДИНОЗАВР ТУХУМЛАРИ ТОПИЛДИ

Аргентиналик маҳаллий чўпон мамлакат жанубидаги Неукен вилоятида жойлашган Агуада-Сан-Роке аҳоли манзилгоҳи яқинидан динозаврнинг яхши сақланган тухумларини топди. Бу ҳақда "Telam" нашри хабар тарқатган.

Тахминларга кўра, тухум 70 миллион ёшда. Олимлар мазкур топилмани катта қийматга эга, деб баҳолашмоқда. Чунки тухум ичида

эмбрион қолдиқлари сақланиб қолган. Бу эса эмбрион билан боғлиқ илмий хулосаларни янада бойитишга имкон беради. Мутахасссларнинг фикрича, тухумнинг яхши ҳолда сақланиб қолишига у топилган ҳудуд бир вақтлар ботқоқлик бўлиб, сўнтра вулқон қатламлари остида қолгани сабаб бўлган. Мазкур ҳудудда бу каби топилмалар камёб ҳисобланмайди. Бундан аввал бу ердан динозавр қолдиқлари ва уяси аниқланган эди.

Олимлар ушбу ҳудудни кейинги авлодлар учун сақлаб қолиш мақсадида бу ерда палеонтология боғини барпо этишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, боғ сайёҳларни

ўзига жалб қилиши, янги иш ўринлари яратилиши мумкин.

УНИВЕРСАЛ ТОМ

Малайя университети (Малайзия) олимлари бир неча вазифани бажарадиган, хусусан, электр энергияси ишлаб чиқарадиган уй томини ишлаб чиқди, дейилади "econet.by" сайтыда.

Унда қўлланилган қуёш, ёмғир сувини тўплаш ва тозалаш панеллари, шамол турбиналари уйда яшовчи одамларнинг коммунал эҳтиёжларини тўлиқ таъминлайди. Том орқали табиий вентиляция ва ёруғлик нури етарли даражада тушади, бу эса уйни мураккаб коммуникация воситаларини ўтказиш заруриятидан халос қилади.

Янги том қуёш энергиясини етарли миқдорда тўплайди. Ёливакни аъло даражада ушлаб, шамол турбиналарини айланттиради. Ёмғир сувини осон йиғади. Том тўлиқ шаффоф бўлиб, уйни кундузи ёруғлик билан етарлича таъминлайди.

Лойиҳа муаллифлари қурилма соатига 21 минг килловатт электр энергияси ишлаб чиқара олиши, 500 литрдан кўпроқ сув йиғишини таъкидламоқда. Бу бир хонадонни электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш имконини беради. Уйга фақат канализация тизими ўрна-тилса кифоя. Томнинг фойдали иш коэффицентини ошириш мақса-сайтида.



дада уни маҳаллий иқлим шароити, ёгингарчилик миқдори ва шамол йўналишига мослаштириш ҳам мумкин.

Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

“Дам олиш дунёси – 2017”

МАЗМУНЛИ ҲОРДИҚ УЧУН

ЯНГИ ВА ҚУЛАЙ ХИЗМАТЛАР ТАКЛИФ ЭТИЛДИ

“Ўзэкспомарказ”да Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Миллий туризм маҳсулотларини тарихот қилиш маркази, Маданият вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги қўмағида ташкил этилган “Дам олиш дунёси – 2017” V халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси миллий анъанага мувофиқ қарнай-сурнай садолари остида очилди.



— Ўзбекистонда туризм соҳасининг жадал ривожланаётгани мамлакат иқтисодийнинг юқалишида муҳим аҳамиятга эга, — деди Қозоғистон маданият ва спорт вазирлиги Аристанбек Мухамедиули. — Бугунги битим давлатларимиз ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтиришга хизмат қилади.

Халқаро сайёҳлик форумида иштирок этган эликдан зиёд хорижий компаниялар раҳбар ва менежерлари “Hosted Buyers” (“Профессионал харидорлар”) дастури доирасида мамлакатимиздаги сайёҳлик йўналишлари билан яқиндан танишиб, тажриба алмашди. Ўзаро манфаатли шартномалар тузилиб, сайёҳлар алмашинувини кенгайтириш ва фаоллаштириш бўйича мавжуд имкониятлар кўриб чиқилди. Ушбу дастур туризм соҳасида ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш, сайёҳлик салоҳиятини жаҳон бозорига тарғиб қилиш ва уни бошқаришни такомиллаштириш бўйича ишларни изчил амалга ошириш имкониятини яратди.

ҚАРИЙБ 200 ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАРДАН ВАКИЛАЛАР

“Дам олиш дунёси” халқаро кўргазмасининг кўлами йилдан-йилга кенгайиб, жаҳон жамоатчилигини юртимизнинг туризм соҳасидаги улкан салоҳияти билан яқиндан таништириш, хориждаги етакчи сайёҳлик компания ва фирмалари билан ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтиришда муҳим омил бўлаётди. Унда Франция, Испания, Италия, Россия, Япония, Бельгия, Германия, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Буюк Британия, АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия, Миср, Туркия, Озарбайжон, Сингапур, Таиланд, Туркменистон, Қирғизистон, Қозоғистон каби мамлакатлардан қарийб 200 фирма ва компаниялари томонидан ўзига хос туристик имкониятлари, сайёҳлик маршрутлари ва хизматлари таклиф этилмоқда.

“Дам олиш дунёси — 2017” халқаро кўргазмасида Таиланднинг “Ives Tour” компанияси мамлакат бўйлаб экскурсия маршрутлари ҳамда тўй маросимларини ташкил этиш, Малайзиянинг “Embassy Alliance” компанияси кумлоқ пляжларда дам олиш, Чехиянинг “Bohema Lazne”, Россиянинг “Русь Эссенуки”, Озарбайжоннинг “China Hotel & Spa Naftalan” санаторий-курорт мажмуалари болалар ва катталар учун дам олиш, даволашни

ва соғломлаштириш бўйича ўз хизматларини таклиф этди. Кўргазмада илк марта иштирок этаётган Хитой компаниялари сайёҳлик экспозицияси ҳам иштирокчиларнинг диққат маркази бўлди. Улар тайёрлаган павильондаги туризм агентликлари ва туроператорлар, меҳмонхоналар, санаторий-курорт мажмуалари, дам олиш масканлари ҳақидаги маълумотлар кўпчиликнинг эътиборини тортди.

— Ушбу кўргазмада биз ҳам илк бор иштирок этдик, — дейди “Capitol Hotel” меҳмонхонаси бош менежери Медхат Варсоум (БАА). — Ўзбекистонда саёҳатларни мазмунли ўтказиш ва ҳордиқ чиқариш учун барча имконият мавжуд экан. Қадимий тарихий обидалар, табаррук қадамжолар, халқингизнинг ўзлигини намоён этувчи маданий мерос намуналари, юртингиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда. Юртингиздаги сайёҳлик компания ва фирмалари билан мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашинувини янада фаоллаштириш бўйича ўзаро манфаатли келишувларга эришдик.

Кўргазма тадбирлари дастуридан ўрин олган “Италия калейдоскопи” мавзусидаги тақдимотда Италия сайёҳлик йўналишининг турли-туманлиги намойиш этилди.

МИЛЛИЙ ПАВИЛЬОНДА ҚИЗИҚАРАЙ ТАҚДИМОТЛАР

Миллий павильонда мамлакатимизнинг сайёҳлик фирми ва компаниялари махсус экспозицияларини намойиш этди. Дастурхонга тортилган ўзбек миллий таомлари, турли мева-сабзавотлар, ўзбек миллий либослари намойиши, миллий мусиқий меросимиз, ҳуудларнинг фольклор санъатига оид тақдимотлар, айниқса, хорижлик меҳмонларга манзур бўлди.

Бу гаги тадбирга Жиззах вилояти алоҳида экспозиция билан келган. Унда ҳудуднинг янги ва ўзига хос туристик имкониятлари, сайёҳлик маршрутлари ва хизматлари иштирокчиларга таклиф этилди.

— Жиззах вилоятида бутун ўттизга яқин туризм компанияси ва меҳмонхона сайёҳларга хизмат кўрсатяпти, ҳудудимизда йилдан-йилга экотуризм ва ички туризм ҳам ривожланмоқда, — дейди Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Жиззах вилояти бўйича ваколатли вакили Лола Санаева. — Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида вилоятимизнинг ўзига хос имкониятларидан келиб чиқиб, манзилли дастурлар амалга оширилмоқда. Сўлим ва бетакрор табияти, маҳаллий аҳолининг қадимий маданияти, кўҳна тарихи билан алоҳида ўрин тутувчи Бахмал, Зомин, Фориш, Фаллаорол

туманлари тоғли ҳудудларда жойлашган бўлса, Арнасой тумани бошқа бир экотуристтик маскан — Айдарқўл кенгликларига туташ. Бу битта маршрутнинг ўзида ҳам тоғли, ҳам тоғолди, ҳам кўл ва дарёлари мужассамлашган ноёб экотуристтик саёҳатлар уюштириш имконини беради. Бундай имконият ҳамма жойда ҳам учрайвермайди. Ёки Амир Темур ғори, Саид ибн Ваққос, Новқа ота қадамжолари ички туризм ривожига муҳим аҳамиятга эга. Бахмал ва Фориш тоғларида, Арнасой кўли ва Фаллаорол тоғолди зоналарида ҳам туристлар диққатини тортадиган, уларда қизиқиш ва ҳавас уйғотадиган жойлар кўп. Уларда ҳам сайёҳларга шарт-шароит яратишга, йўналишлар белгилаш, инфратуризмга барпо этишга киришилган.

Кейинги йилларда юртимизда сайёҳликнинг экотуризм, геотуризм, тарихий ва маданий туризм, тиббий, этник, спорт йўналишлари, альпинизм каби кўплаб турлари изчил ривожланмоқда. Барча ҳудудда янги сайёҳлик йўналишлари ишлаб чиқилмоқда, транспорт коммуникациялари ва хизмат кўрсатиш изчил яхшиланмоқда.

— Бутун мамлакатимизда 530 дан ортиқ туроператор ва агентлик, 430 меҳмонхона фаолият юритмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Темур Мирзаев. — Дам олиш туризми сайёҳлик бизнесининг талаб юқори бўлган соҳаларидан биридир. Навбатдаги халқаро кўргазма маҳаллий ва хорижий туроператорларга янги мавсум олдидан ўз хизмат ва им-



кониятларини намойиш этиши, корпоратив миқозлар билан шартномалар тузиш, таътил мавсумига оид режалар ишлаб чиқиш учун қулай имкониятлар яратиши билан ҳам аҳамиятандир.

Кўргазманинг яна бир эса қоларли лойиҳаси — “Tashkent Food Festival” миллий таомлар фестивали бўлди. Унда пойтахтимизнинг эликка яқин ресторани ва кафелари, Навоий, Андижон, Жиззах, Наманган, Хоразм, Самарқанд вилоятларининг соҳага оид сайёҳлик фирми ва компаниялари миллий таомлар тайёрлаш усуллари оид тақдимотларини ўтказди. Меҳмонларга она заминимизда етиштирилган боғдорчилик маҳсулотларини татиб кўриш имконияти яратилди. Мамлакатимизнинг қаҳва тайёрлашга бағишланган стендларида бу ичимликни тайёрлаш усуллари бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди. Миллий мусиқа ва рақсларимиз, қўли гул хунармандларимиз меҳнати маҳсули акс этган кўргазмалар, фольклор жамоаларининг чиқишлари тадбир қатнашчилари, айниқса, хорижлик меҳмонларга манзур бўлди.

Ҳозирда қизиқарли ва ранг-баранг тақдимотларга бой тарзда ўтган икки кунлик “Дам олиш дунёси — 2017” халқаро Ўзбекистон сайёҳлик кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг улкан туризм салоҳияти билан кенгрок таништириш, хорижий сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни кенгайтириш, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда туризм соҳасини янада ривожлантиришга, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилгани шубҳасиз.

Эркин ДОРИПОВ, Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат), “Milliy tiklanish” мухбирлари

Тиббий маслаҳат

ТАЪМИ НОРДОН, ЎЗИ ДАРМОН

Равоч баҳорнинг дастлабки ойларида етилади. Уни кўпчилик севиб истеъмол қилади. 150 га яқин тури мавжуд. Ушбу маданийлашган ўсимлик Хитойнинг марказий қисмида полиз экни сифатида етиштирилади. Барглари сариқ-яшил ва қизил рангда, узунлиги 20-40 сантиметргача бўлади.

Равоч Ўзбекистоннинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида ҳамда қир-адирларда ёввойи ҳолда ўсади. Ўсимликнинг ёш, қалин, серсув барглари хушбўй ва иштаҳоачор маҳсулот сифатида истеъмол қилинади. Баргларнинг мазаси нордон, таркибида олма ва лимон кислотаси ҳам учрайди.

Равоч — пархез маҳсулот. Унда ёғ моддаси мавжуд эмас. 100 грамм равоч танаси бор-йўғи 116 килокалориядан иборат. Мазкур ўсимлик таркибида жуда кўп миқдорда пектин, озиқ толалари, органик кислота, минерал моддалар, С, В витаминлари, калий, фосфор, магний тузлари бор. Равоч меъда-ичак фаолияти ва ҳазм жараёнини яхшилайди. Ундан сафро ҳайдовчи восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Мазкур ўсимликнинг илдизи ҳам шифобахш. Барги серсув. Даво мақсадида илдизи ва илдизпоясидан фойдаланиш мумкин. Равочдан тиндирма ва шарбат ҳам тайёрланади.

Равоч таркибида жуда кўп миқдорда магний, калий, фосфор мавжуд. Шу боис қамқонликнинг олдини олишда аини мудоо. Ундан авитаминозни даволашда доривор восита сифатида фойдаланилади. Айниқса, ўпка касалликлари билан хасталанган беморлар учун равоч истеъмол қилиш фойдали. Бу маҳсулотни тери, тирноқ ва соч ҳолатини яхшилаш мақсадида ҳам қўллаш мумкин.

Халқ табибатида равочдан бир қанча хасталикларни даволаш ва олдини олишда фойдаланилади. Масалан, қабзиятни даволашда равоч илдизи яхшилаб тўғралади. Бир стакан қайнаган сувга аралаштирилиб, худди чой сингари дамланади. Тайёр дамбама ухлашдан олдин стаканнинг учдан бир қисми миқдорда ичилади.

Равочдан тайёрланган дамбама қон босими кўтарилишида ҳам фойдали. Дамламани тайёрлаш учун икки ош қошиқ қуритилган равоч майдаланиб, 1,5 стакан қайноқ сувга солиб аралаштирилади. Ушбу аралашма 30 дақиқа давомида паст оловда қайнатилди. Тайёр бўлгач, оловдан олиб совутилди. 1,5 стакан дамбама истеъмол қилиш, кун давомида артериал қон босимини меъёрига келтириш учун етарли саналади.

Панкреатит (меъда ости бези яллиғланиши) ва гастрит (меъда шиллиқ қавати яллиғланиши) ҳамда меъда ва ўн икки бармоқли ичак касалликларидан азийт чекаётган беморларга ушбу ўсимликни истеъмол қилиш тавсия этилмайди. Равоч таркибида жуда кўп миқдорда органик кислоталар мавжудлиги боис, у буйрак ва ўт луфғида тошлар йиғилишига сабаб бўлади. Шу боис уни пешоб-тош ва ўт-тош касаллиги билан оргилан беморлар истеъмол қилмагани маъқул.

БИЛАСИЗМИ?

● Дунёдаги илк барометр (атмосфера босимини ўлчайдиган асбоб)ни 1644 йилда италиялик математик ҳамда физик олим Эванжелиста Торричелли ихтиро қилган.

ТУРФА ОЛАМ

ЭТИК ШАКЛИДАГИ УЙ

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида меъморлар турар жойлар қуришда нафақат ноодатий услублардан фойдаланмоқда, балки уларга ўша жойнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Техас штати (АҚШ)нинг Хантсвилл шаҳарчасида истиқомат қилувчи расом Дэн Филипп “Phoenix Commotion” компанияси билан ҳамкорликда қовбой (отлик чўпон) этиги шаклида уй қурди. Расом ушбу лойиҳани этик ичида яшайдиган кампир ҳақидаги эртақдан илҳомланиб рўёбга чиқарди. Бир қарашда унинг уй эканини пайқаш қийин. Ўйнинг ички майдони 65 квадрат метр бўлиб, меҳмонхона, ётоқхона, ҳаммом ҳамда ошхонаси бор. Унинг бир ойлик ижара тўлови 1,2 минг доллар этиб белгиланган.

Дэн Филипп келгусида яна шу мавзуга қўл урмоқчи: бу гал қовбой шяпаси шаклида уй қуриш ниятида.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!
2015 йилнинг 20 январь кунини Сергели туманидаги 2-сон ДНИДа Маманова Хуршида Илҳомжоновна номига расмийлаштирилган Сергели тумани Спутник-17 мавзеси 3-уй 15-хонадонга тегишли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Республика санаторийлари фаолиятини қайта тиклаш ва модернизациялаш “Ўзбекистон” жамоат фонди Васийлик Кенгашининг 2017 йил 7 февралдаги 15-сонли баённомасига асосан “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясидан 137,3 миллион сўм ҳомийлик пул маблағи ўтказилди.

Қарши шаҳар ҳокимининг 2005 йил 3 февралдаги Х-57/2-сонли қарорига асосан Пулатова Дилрабо Муртазоевна номига берилган Қарши шаҳар Отчопар маҳалласи Мустақиллик кўчасидаги 6-кв 14-рақамли уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Газета ҳафталик чоршанба кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 416, Адади — 8505. Газетанинг баҳоси келишилган нархда. Навбатчи муҳаррир: Эркин ДОРИПОВ. Навбатчи: Тумарис БУТУНБОЕВА. Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ. Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru. Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 21.50. ISSN 2010-7714. 12 456

MILLIY TIKLANISH. МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ. ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Суван НАЖИДИДНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЕВОВ. Бош муҳаррир: Бекзод НОРБЕКОВ. ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73. Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2. “ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.